

МУНОСАБАТ

“БУНДА БОР ҲАРОРАТ, МУҲАББАТ, ШАФҚАТ...”

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 14 август куни имзолаган фармонини ўқиб, академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг “Сен етим эмассан” шеърини яна бир бор мутолаа қилиш эҳтиёжи туғилди. “Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ушбу фармон ҳақиқий инсонпарварлик сиёсатининг амалдаги ифодасидир.

Шоир ибораси билан айтганда, “Қуёшдай меҳрибон Ватан”имиз барча даврларда ўз бағрикенглиги, меҳр-шафқати ва инсонпарварлик анъаналарига содиқ қолиб, муҳтожларга қўл чўзган, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатган. “Заминдай вазмину меҳнаткаш, мушфик” халқимиз эса инсон ҳаёти, шайни ва кадр-қимматини улуғлашга қаратилган эзгу ташаббусларга меҳр билан ёндашиб, уларни бетаъмаю бетаъна қўллаб-қувватлаб келган.

Иккинчи Жаҳон уруши даврида юртимизга 1 миллион нафардан ортиқ киши кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 мингдан ортиғи болалар эди. Халқимиз уларга бошпана бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрди, ота-онасидан ажралган болаларни ўз фарзандидек тарбиясига олиб, бутун дунёга ҳақиқий инсонпарварлик намунасини кўрсатди.

“БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ НОНДЕК АРЗАНДА...”
Конституциямизнинг 17-моддасига кўра, “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслиги ёки куч билан таҳдид қилмаслиги, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низопарни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслиги принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади”.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида ушбу принципларга оғишмай амал қилиб келинмоқда. Шу билан бирга, жаҳон айвонида рўй бераётган муҳим масалаларга муносабат билдирилиб, глобал муаммолар ечимига доир илғор ташаббуслар илгари сурилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада).



ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ!

СУВ ТЕКИН... ЭМАС

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, биз фойдаланаётган ичимлик суви қаердан келади? Хонадонимиздаги жўмраккача қандай босқичлардан ўтади? Жаҳонда ва юртимизда сувга муносабат қандай? Яқинлашиб келаётган курғоқчилик ҳақидаги огоҳлантиришлар қанчалар жиддий? Тизимдаги муаммо ва ютуқлар ҳақидаги саволларимизга “Ўзсўвтаъминот” акциядорлик жамияти Ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродовдан атрофлича жавоб олдик.

– Жамиятимиз 2019 йил 26 ноябрда “Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори билан ташкил этилган.

Янги тизим фаолиятини эски муаммоларни ҳал қилишдан бошлади. Олдимизда ўтган асрнинг 70-80-йилларидан буён ечимини кутаётган масалалар кўндаланг турарди. Деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган минг чақиримли қувурларни алмаштириш, триллионлар билан ҳисобланадиган қарздорликни ундириш ва маънан эскирган инфратузилмани янгилаш каби вазифаларнинг охири йўқдай эди. Биласизки, сув табиатда юмшоқ куч билан барча тўсиқларни парчалай оладиган нетмат. Биз

ҳам тизимда босқичма-босқич ислохотларни бошладик.

Бу орада аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, канализация хизматини намунали йўлга қўйишга оид ўнчагина тегиш мезъори ҳужжатлар имзоланди. Очигина айтиш керак, бунгача хорижлик инвесторлар мазкур тизимга ишончсизлик билан қарагани учун етарли маблағ ажратмаган.

Бугун эса қатор давлатларнинг ўнлаб халқаро молия институтлари шу соҳага инвестиция киритяпти. Сўнгги йилларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари соҳасига 27,5 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Шундан 16,5 триллион сўми давлат бюджетидан, 1 миллиард АҚШ доллари эса инвестициялар ҳисобидан қопланди.

Мазкур маблағлар эвазига 3 минг 627 та сув иншооти ҳамда 40,6 минг километрлик ичимлик ва оқова сув тармоқлари барпо этилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу орқали 7,7 миллион аҳоли илк марта ичимлик суви билан таъминланди, 11,5 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Шу билан бирга, 1,1 миллион истеъмолчининг хонадони оқова тизимига уланди. Натижада, ичимлик суви қамрови 63 фоиздан 80,9 фоизга, оқова сув хизматлари эса 17,2 фоиздан 20,9 фоизгача оширилди.

(Давоми 5-саҳифада).

ТАҚДИМОТ

Башар тарихидаги энг мумтоз, виқорли, шу билан бирга, ғоят сирли шахслардан бири – буюк Амир Темурдир. Айни шу хусусиятларига кўра Соҳибқирон юрагини, ботиний оламини ҳар кимга ҳам очмайди – гарчи ул зот хусусида дунёда юзлаб, балки минглаб тадқиқот ва романлар, ёднома ва драмалар яратилган бўлса-да, аксарият ҳолларда улуг аждодимизнинг қалб дафтари ёпиқлигича қолади.

Чиндан ҳам, ўз замонида йиғирма олти мамлакатни бирлаштириб, ўтмишдаги буюк салтанатлардан бирини барпо этган, узоқ умри давомида олиб борган ўнлаб муҳорабаларининг биронтасида енгилмаган бу музаффар саркарда қиёфасини, унинг тафаккур ва руҳият оламини бугунги кун идроки билан қайта кашф қилиш ижодкордан жуда катта масъулият, билим ва истеъдод талаб этади. Шунинг учун ҳам ҳазрати Соҳибқирон ҳақидаги ҳар қандай янги асар биз – авлодлар томонидан зўр эътибор ва қизиқиш билан кутиб олинishi табиий.

Куни кеча “Ренессанс” кино уйида жамоатчилик кўриги ўтказилган “Улуғ Амир ва донна Мария” номли муаззам бадиий фильмни томоша қилар эканмиз, аввало, бу асар Темурбек бобомизнинг бадиий сиймосини



яратиш йўлида катта бир эпик қадам бўлганини қайд этиш лозим.

Ушбу маҳобатли кинополотно мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган меғалоёйиҳа – “Тирик тарих” дастурининг илк намуналаридан биридир.

Ёзувчи Хайриддин Султон қаламига мансуб сценарий асосида кинорежиссёр Ёлқин Тўйчиев томонидан яратилган фильм реал тарихий воқеалар замини-

га қурилган. Айни вақтда асар ғоят мураккаб мавзунинг ўзига хос мажозий-шартли талқини ва замонавийлик касб этган бадиий шакли билан ажралиб туради.

Тарихдан маълумки, милодий 1402 йил июль ойида Анкара яқинидаги Чубук водийсида Самарқанд ҳукмдори Амир Темур тарихи” дастурининг илк намуналаридан биридир. Ёзувчи Хайриддин Султон қаламига мансуб сценарий асосида кинорежиссёр Ёлқин Тўйчиев томонидан яратилган фильм реал тарихий воқеалар замини-

Фильмда Темурбек бобомиз тилидан айтилган бу сўзлар ушбу тарихий жангноманинг мухтасар, аммо ҳаққоний баҳосини ифодалайди. Бир дин, бир мазҳаб, бир тузум одами бўлган икки буюк туркий саркарда, икки буюк давлат раҳнамоси не боис ёвлашгани, бу можарони келтириб чиқарган сабаб ва омиллар ҳақида асарда деярли сўз юритилмайди. Фильм ижодкорлари бу борада ҳулоса чиқаришни зукко томошабиннинг ўзига ҳавола этадилар. Муаллифлар бош қаҳрамоннинг таржimai ҳоли,

унинг жанговарлик эпоеясини баён этишга ургу бермайдилар, аксинча, ҳар қандай урушда ўз эркидан жудо бўладиган бахтсиз кишилар қисматиға алоҳида эътибор қаратадилар.

Ана шундай инсонлардан бири – Можористон ҳукмдорининг набираси соҳибжамол Мариядир. Бобосининг давлати соясида эмин-эркин яшаб ўсган бу шаддод қиз, тақдир тақозоси билан Чубук водийсидаги қирғинбарот жанглр гирдобига тушиб қолади. Унинг юртига қутилмаганда уруш қуюни ёпирилади – Усмонлилар Можористонга юриш қилади. Кекса ҳукмдорнинг дипломатик ва ҳарбий саъй-ҳаракатлари бесамар кетади. Қудратли давлатлар – Испания ҳам, Англия ва Франция қироллари ҳам бу ўлка ҳалокатини жимгина кузатиб турадилар.

Мариянинг отаси венгер шахзодаси, онаси олий рутбали испан хоними бўлиб, улар қизнинг ёшлик чоғида дунёдан ўтиб кетган, унинг ёлғиз валинеъмати ва ҳимоячиси кексайиб қолган бобоси эди. Салтанат учун нотинч замонлар бошлангач, у Марияни зудлик билан Испаниядаги холаси, графиня Хеленанинг ҳузурига жўнатишга ҳаракат қилади.

Аммо шижоатли, оқила қиз бобоси ва юртининг ҳимоясига отланади.

(Давоми 2 -саҳифада).

БАТАН МАНЗУМАСИ

Муштарак мақсад

Етти иқлим аро ягона ўзбек,
Оламга кўрк берган дурдона ўзбек.
Билгамиш, Кунтуғмиш, Алпомиш насли,
Абадий барҳаёт афсона ўзбек.

Тўмарис қони бор томирларида,
Шумер моҳияти замирларида.
Чўпониди бордир амир ҳайбати,
Широқ фидолиги – амирларида.

Кўзи етган жойга ўзи ҳам етган,
Гапи кесган доим, сўзи ҳам ўтган.
Чопонини ёйса, қўноққа гилам,
Белбоғини ёзиб, нону туз тутган.

Кўнглини тошларга кўчирган бу эл,
Ёй тортиб тоғ бошин учирган бу эл.



Хато қилса, ўзин кечиролмаган,
Тавба қилса, ёвни кечирган бу эл.

Қорақум, Қизилқум – саҳроси тилло,
Зарафшон зар сочар, дарёси тилло.
Момоларин сочи қумушга жило,
Боболар кафтида дуоси тилло.

Бир юз ўттиз миллат-элат ҳамнафас,
Кўрмаган армонда, кўрганда ҳавас.
Янги Ўзбекистон – муштарак мақсад,
Бизни кутаётир улуг Ренессанс!

Ўзбектош ТўРАХОНЛИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ТИББИЁТ

ИНСОНИЯТ ТОЛЕИ КАФОЛАТИ



Жаҳон кинематографияси дурдонаси бўлмиш “Профессор Доуэлнинг васияти” бадиий фильми 1984 йили суратга олинган. Сюжет моҳиятига тиббиёт, хусусан, нейрохирургия тараққиётига оид илмий башоратлар сингдирилган. Фильмда илгари сурилган фикрни шундай талқин қилиш мумкин: “Биринчи жарроҳ – Яратганнинг ўзидир. У Одам Атонинг

қовурғасидан Момо Ҳавони вужудга келтирган. Агар олимлар тўқималарнинг хусусиятини мукаммал ўрганса, кўчириб ўтказишдаги мураккабликларни еча олса, танадаги ҳар қандай йўқолишни тиклаш мумкин”.

Бунни қарангки, қирқ йил олдин илмий фантастика ҳисобланган бу сўзлар қилиш мумкин: “Биринчи жарроҳ – Яратганнинг ўзидир. У Одам Атонинг

(Давоми 3-саҳифада).



МУҲТАШАМ ОЛТИ ЮЗ ЙИЛ

Бошланиши 1-саҳифада.

Кучлар тенг бўлмаган даҳшатли жангда можор ҳукмдори ҳалок бўлади, лашкари тор-мор келтирилади, ярадор Мария асир олиниб, султон ҳарамига олиб кетилади...

Фильм ғоят кескин ва ҳаяжонли, драматик воқеалар тасвири билан бошланади ва мана шу руҳий-ҳиссий ҳолат томошабин эътиборини асар охирига қадар қўйиб юбормайди.

Энг қизиги, картина сюжетни икки параллел йўналишда — олис ўтмиш ва бугунги кун воқеаларининг бир қарашда ақл бовар этмас бўлиб туюладиган узвий муштараклиги асосида ривожланиб боради.

Жасур ва эрксевар Мария ҳарамдаги “олтин қафас”дан қочишга бир неча бор уринади. Қисматдоши Анхелина Марияни бу йўлдан қайтармоқчи бўлади. Лекин Марияга оққунгил турк қизи, жория Сабрие ёрдам беради. Бу орада жангҳо даҳшатли муҳораба бошланади. Амир Темур лашкарининг зарбалари натижасида Рум қўшини орасида парокандалик юз беради. Мария вазиятдан фойдаланиб, яна қочади.

Узоқ таъқиблардан сўнг энди Самарқанд амирининг навкарлари қўлига тушган Мария қози Хожа Муҳаммад Кеший химоясига топширилади. (Шу ўринда айтиш жоизки, асли шаҳрисабзлик бу тарихий шахс Темурбекнинг яқин кишиларидан бири бўлган. У Амир Темур элчиси мақомида асирга қизларни Испания қирғоғи Энрикэ III нинг саройига кузатиб боради, олий ҳукмдор билан учрашади. Икки йилдан сўнг қиролнинг элчиси сифатида Соҳибқирон хузурига йўл олган Руи Гонзалес де Клавихога Мадриддан то Самарқандга қадар ҳамроҳлик қилади. Бу ҳақда испан элчиси ўзининг хотира китобида маълумот бериб ўтган).

Мария дастлаб туронийларни ҳам душман деб билади, ўзига қўриқчи қилиб қўйилган сода, дўлвор аскар — Тоғай барпосга ҳам нафрат кўзи билан қарайди. Аммо йигитнинг самимий муносабати, Муҳаммад Кешийнинг қиз билан испан тилида гаплашиши, ҳамдардлиги, бўлиб ўтган суҳбатлардан сўнг Мариянинг “Улуғ амир” — Темурбек ҳақидаги фикр-тасаввури бутунлай ўзгаради. Қалбида, Кешийнинг таъбири билан айтганда, “Худонинг бу ожиз, аммо енгилмас бандаси”ни кўриш, у билан лоақал икки оғиз сўзлашиш истаги пайдо бўлади.

Зотан, Амир Темур ҳам ўз даврининг удумига мувофиқ иш тутиши, яъни ғолиб подшоҳ сифатида мағлуб ҳукмдорнинг ҳарамини ўз тасарруфига ўтказиши, жумладан, Мария, Анхелина, Каталина исмли уч насроний қизни канизақ қилиб олиши ёки саркарда ва аъёнларига туҳфа этиши мумкин эди.

Аммо Соҳибқирон Қўрьони Каримнинг, жангда асир тушганларга зулм қилманг, аксинча, уларни бегараз озод этинг, деган мазмундаги кўрсатмасига риоя этган ҳолда, уруш тулаши билан бу ғарибаларни тутқунликдан халос қилади.

Асирларни хавфу хатар тўла мудҳиш муҳитга ўз ҳолича қўйиб юбормасдан, ўша вақтдаги Кастилия ва Леон (ҳозирги Испания) давлатининг эгчилари сифатида Чубук жангда кузатувчи ўлароқ иштирок этган Сото Майор ва Паласуэлонинг ёнига Муҳаммад Кеший ва Баҳодир аскарларини қўшиб, қизларни испан диёрига бешиқасида етказиб қўйиш ҳақида фармони олий беради.

Мария Улуғ амирнинг бундай олижаноб марҳаматидан ҳайратга тушади. Испанияга соғ-саломат етиб олади, элчи Сото Майор билан турмуш қуриб, тинч ва осуда умр кечиради. Йиллар ўтган сари Мария ўзи ва авлодининг илоҳий бир мўъжиза туфайли муқаррар ўлимдан омон қолганини, халоскори бўлмиш Улуғ амир олдидagi қарздорлик бурчини тобора англаб боради.

Парвардигорини таниган бир инсон сифатида ўз зиммасидаги қиёмат қарз узишмай қўлиб кетаётганидан изтироб чекади. Умрининг ниҳоясида у фарзандлари ва набираларига қолдирган васиятида уларга имкон топиб, олиб Самарқанд шаҳрига, Соҳибқирон хузурига бориб, ул марҳаматли зотга миннатдорлик изҳор этишларини ёки Улуғ амир хотирасига шам ёқиб, дуои фотиҳа қилиб қайтишларини тайинлайди.

Бир-бирини қувиб, яна йиллар, асрлар ўтади, бу қадимий, зодагон хонадоннинг олис момакалонига айланган донна Мариянинг хотираси, бошдан кечирган саргузаштлари авлоддан авлодга, тилдан тилга ўтиб, сулолавий бир афсонага айланади. Аммо орадан шунча вақт кечса-да, бу кўҳна васиятни адо этишга имкон ва бунга қодир бир инсон топилмади.

Мана шу ғаройиб қиссадан воқиф бўлган, томошабин фильмнинг илк кадрларида янграган қўшиқ маъносини англаб етади. Самарқандлик дилбар шоира Хосият Бобомуродова шерьига истеъдодли композитор Қосим Муинов мусиқа басталардан қўшиқчи Ўзбекистон халқ артисти Севара Назархон инжа бир тугён билан ижро этган:

Кувончу ғамларни ютган қасрлар,
Регистонда йиглар, кулар асрлар.
Ҳар қаричда бордир жумбоғу сирлар,
Самарқандга келгил, Самарқандга кел!

Шоҳ бўлмоқ истасанг битта юракка,
Қул бўлмоқ истасанг битта юракка,

Кўмилмоқ истасанг битта юракка,
Самарқандга келгил, Самарқандга кел!

Беихтиёр ўйга толамиз: чиндан ҳам, нега боқий шаҳар Самарқанд ер юзидаги миллионлаб инсонларни ўз бағрига қорлайди, уларни ўзига умрбод мафтун этиб қўяди? Бунинг боиси, сир у асрори нимада? Ахир, дунёда гўзал ва обод шаҳру қасабалар бисёр-ку! Фильм давомида бу саволга ҳар қайси томошабин ўзича жавоб топгандек бўлади.

Донна Мариянинг васиятини рўёбга чиқариш вазифаси унинг олис зурриёди, бизнинг замондошимиз бўлган кичик Мария қисматига тушади. У туйқус реинкарнация сир-асрорини бошидан кечиради, руҳан, хаёлан олти юз йил наридаги мозийга қайтиб, момакалонининг ҳаёти, ўй-кечинмалари билан яшай бошлайди. Бу ғаройиб эврилиш қизни қаттиқ ҳаяжон, ташвиш ва кўркүвга солади. Режиссёр ва оператор унинг қалб тебранишларини ғоят нозиклик ва ҳассослик билан фильмнинг чуқур маъно қатламлари, эмоционал-психологик кадрларида яққол акс эттиради.

Таъкидлаганимиздек, картинанинг бош қаҳрамони — Амир Темур аъло ҳазратларидир. Асарда унинг сиймоси бор-йўғи икки-уч марта, шунда ҳам жуда ихчам лавҳаларда намоён бўлади. Лекин фильмнинг бутун мазмун-мундарижаси, барча сюжет чизгилари Улуғ амирнинг шиддатли ҳаёти, нодир зехни, кенг тафаккури, зафарли юришлари, юксак хиймати ва соҳибқиронлик салобати билан боғлиқ ҳолда тасвирланади.

Асарнинг жамкии персонажлари — улар Темурбекнинг хоҳ дўстлари, амиру аъёнлари бўлсин, хоҳ ашаддий ғанимлари бўлсин, бутун фильм мобайнида ушбу қудратли зот ҳақида сўзлайдилар. Унинг мамлакатдорлик ва жаҳонгирлик салоҳияти, азму шижоатига гоҳ ҳавас, гоҳ ҳасад ила боқсалар-да, барчалари буюклигига шакшубҳасиз тан берадилар.

Асарнинг жамкии персонажлари — улар Темурбекнинг хоҳ дўстлари, амиру аъёнлари бўлсин, хоҳ ашаддий ғанимлари бўлсин, бутун фильм мобайнида ушбу қудратли зот ҳақида сўзлайдилар. Унинг мамлакатдорлик ва жаҳонгирлик салоҳияти, азму шижоатига гоҳ ҳавас, гоҳ ҳасад ила боқсалар-да, барчалари буюклигига шакшубҳасиз тан берадилар.

Дарҳақиқат, ҳазрати Соҳибқирон даврида Самарқанд курраи замнининг нафақат сайқалига, балки глобал масалалар ҳал бўладиган сиёсий марказига айланган эди.

Ушбу фикр фильмдаги тарихий фактларнинг бадий талқинида — Франция, Англия, Испания каби давлатлар ҳукмдорларининг Темурбекка йўллаган номалари билан Самарқанд султонининг юксак шуқу, шаъну шавкат ила йўрилган жавоб мактубларида ўз тасдиғини топади.

Асарнинг яна бир муҳим жиҳати — унда Амир



Темур буюк халоскор сиймосида гавдаланади. Бу ўринда гап Соҳибқироннинг Турон ўлкасини мўғул истибдодидан халос этганидагина эмас. Бу фазилат унинг Боязид ҳарамидagi Мария ва дугоналарини озод этиши билан ҳам чекланмайдиган. Амир Сулаймоншоҳнинг Темурбек номида Марияга қарата “Уруш тугади, насронийнинг қизи. Энди сен уйингга қайт ва омонликда яша”, деган сўзлари ва унга кўрсатган марҳамати замирида катта маъно ётади. Бу хитоб унинг гўёки бошқа халқларга йўллаган тинчлик ва эзгулик саломидек туюлади. Ўз давлатининг манфаатини, унинг келажагини ўйлаган Соҳибқирон ашаддий душманига ҳам мурувват ва яхшилик қўлини узади. Бундай олийҳимматлик Йилдирым Боязид ва унинг ўғилларига қилган адлу карамиди яққол намоён бўлади.

Эътибор берган бўлсангиз, сўзимиз бошида Темурбекни “ғоят сирли шахс” деб таърифлаган эдик. Самарқанд амира охират дунёсига сафар қилганидан кейин ҳам унинг номи атрофида яна узоқ даврлар сирли ҳодиса ва воқеалар давом этган. Бир пайтлар Эрон ҳукмдори Нодиршоҳнинг Амир Темур сағанасига ўрнатилган ноёб оникс тошини қўлорганидан кейин юз берган воқеаларни ёки яқин тарихда, 1941 йилда ул зотнинг руҳини безовта қилиб, қабрини очиш билан боғлиқ синоатларни эсланг.

“Улуғ Амир ва донна Мария”ни томоша қилар эканмиз, биз унда тасвирланган ақл бовар этмас

воқеанинг, яъни кичик Мариянинг момакалони васиятини адо эта олганига, рационализм ва манфаат устун бўлмиш XXI асрда ҳам беихтиёр “шундай сентиментал туйғуларга асир бўлиб яшаш мумкин”лигига гувоҳ бўламиз.

Тақдир ёзуғини кўрингки, зиммасида шундай вазифа — миссия борлигини англаган қизгина саратон касаллигига чалинган, тинка-мадори қуриб, кундан-кунга сўниб бораркан, бу муҳим сафар учун унда ҳафсала ва иштиёқ қолмайди.

Авлоддан авлодга қарз бўлиб келаётган васият хабарини Марияга етказиб, уни йўлга ундаган руҳоний падре Фелипе Инжил каломини зикр этиб, қизга далда беради: “Ишончинг сени қутқарур, бўтам”. Аммо Мария ҳамон беқарор, музтар бир ҳолатда қолаётганини кўриб, руҳоний падар яна илоҳий сўзларни такрорлайди: “Сўранг — сизга берилур. Изланг — топурсиз. Тақиллатинг — очилур”.

Шундан сўнггина ҳаётдан батамом умиди сўнган Мария номаълум юрт сари йўлга жазм қилади ва саодатли бир кунда Амир Темур мақбараси пойига етиб келади. “Эй улуғ зот, менким — ўша жонҳалак Мария, руҳим ҳаловат истаб, олти юз йил йўл босиб, ниҳоят, хузурингизга келдим”, деб момакалони номидан шукрона келтиради. Ва шу асно мармар саҳнга беҳуш йиқилади...

Фильмнинг кейинги қисқа кадрларида биз илоҳий мўъжиза туфайли Мариянинг бедаво дарддан халос бўлиб, севгилиси Лусио билан турмуш қургани ва ўғлига Темур деб исм қўйганидан хабардор бўламиз. Албатта, материалистик — моддиончилик нуқтаи назаридан қараганда, киши бу воқеани мистика деб қабул қилиши ҳам мумкин. Аммо ҳаётга қалб кўзи, иймон ва ихлос кўзи билан боқадиган ҳар бир инсон учун бу ҳодиса бутунлай ўзга моҳият касби этиши шубҳасиз.

Фильмда Чубук водийсидаги жанг олдидан кадр ортида янграган сўзлар бунга далил бўла олади:

Ялдо кечаларни шабистон этган,
Бир лаҳзада чўлни гулистон этган,
Бошмига мушкул тушубдир, осон этгил,
Эй барчаннинг мушкуллини осон этган.

Шарафиддин Али Яъзид “Зафарнома”сида ҳазрати Соҳибқирон султон Боязидга қарши юришга ҳозирлик кўрар экан, Аҳмад Ясавийнинг “Девони ҳикмат” китобини очиб, шу сатрларга кўзи тушиб қолгани баён қилинади.

Темурбек уларни каромат белгиси сифатида қабул қилиб, ёд олади ва кечаю кундуз такрорлаб юради. Илтижолари ижобат бўлиб, қудратли ғаним устидан ғалаба қозонади.

Саргашта Мария Улуғ амир мақбараси пойига бош қўяр экан, балки унинг ҳам қалбида шундай

демографик инқироз билан бевосита боғлиқ экани сир эмас.

Лекин, эсланг, бир замонлар насроний ҳаият ҳаётида айни шу тушунчалар муқаддас ҳисобланмасмиди?

Шу боис, фильмнинг сўнгги лавҳаларида Лусио ва Мариянинг черков даргоҳида, Яратган парвардигорга ихлос билдириб, ўзаро меҳр ва садоқат билан такрорлайдиган илоҳий қасамёди рамзий маъно касб этиб янграйди:

“Соғ-омон пайтингда ҳам, бемор бўлган чоғларингда ҳам, бойлик даври ва қашшоқлик онларида ҳам — токи ўлим бизни бир-биримиздан айирмас экан, сенга умрбод вафодор ёр бўлишга онт ичаман”.

Пок юракларда бир умр муҳрланиб қоладиган қандай таъсирчан сўзлар!..

Афсуски, одамзод кейин-кейин бу муқаддас аҳдни унутди, унга хиёнат қилди ва шу тариқа битмас-туганмас ташвиш ва фожиаларга гирифтор бўлди.

“Улуғ Амир ва донна Мария” фильми томошабинлар, биринчи навбатда ёшларни мана шундай хатарлардан огоҳ этиб, гўёки уларга ўзига хос мессеж юбораётгандек таассурот қолдиради. Зеро, Лусио ва Мария инсонийлик номи ва шарафини давом эттириб, юрак ва вужудларини никоҳ ришталари ила боғлайдилар, оила қуриб, фарзандли бўладилар, саодатли ҳаёт сари қадам қўядилар.

Биз юқориди инсон озодлиги ғояси, халоскорлик туйғуси ҳақида тўхталган эдик. Бу мавзу фильмнинг ўқ илдизини ташкил этади. Айни вақтда ушбу ғоя картинанинг кўламдор мазмунига, серқирра қатламларига маҳорат билан сингдириб юборилгани алоҳида эътиборга сазовор.

Масалан, Истанбулдаги онкология клиникаси профессори Кейдзи Мария билан Тошкент аэропортида тасодифан учрашиб қолади. Касаллик туфайли одамови, асабий бўлиб қолган Мария докторни кўриб, аввалига жаҳли чиқади, уни Лусио томонидан ўзини кузатиб юриш учун ёлланган, деган гумонга бориб, врачга қўпол муомала қилади. Аммо Кейдзи бу ерга бутунлай бошқа мақсадда — кекса отасининг Самарқанд сафарига ҳамроҳлик қилиш учун келганидан воқиф бўлиб, Хироши-сан билан танишиб суҳбатлашгач, кўнгли хотиржам бўлади.

Хироши-сан — Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда тутқунликда бўлган. Қай бир маънода донна Мария билан қисматдош. У гарчи душман армиясининг аскари бўлса-да, ўзбеклар диёрида бошқа япон маҳкумлари қатори ўзига кўрсатилган инсоний муносабатни орадан неча йиллар ўтмасин, унутолмайди. Айтиқса, барақда оғир дардга чалиниб ётганида унга шифобахш таом — сумалак олиб келиб берган Захро деган



Худонинг бандалари деб билиш — фильмда бу каби хусусиятлар ўзбек халқининг генетик қодида азалдан мужассам эканига яна бир бор ишора қилинади.

Мақоламиз бошида “Улуғ Амир ва донна Мария” фильми реал воқеаларга асосланганини айтиб ўтган эдик. Бу том маънода эпик кинокартинанинг ҳаётий илдишлари ҳақида кенгрок маълумотга эга бўлишни истаган томошабинларга биз сценарий муаллифи Хайриддин Султоннинг “Навоий — 30” китобида (“Адабиёт” нашриёти, Тошкент, 2021 й.) чоп этилган “Халоскор” номли ҳикояни ўқишни тавсия қиламиз. Шу билан бирга, мавзу ҳақидаги тасаввурингизни бойитмоқчи бўлсангиз, пойтахтимизнинг Яққасарой туманида жойлашган, меҳнат фахрийси, фидойи инсон Абдуҷалил Султонов ўз хонадонидида ташкил этган, Японияликларнинг Ўзбекистондаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қиладиган мўъжаз, аммо мазмунан бой музей билан танишишни маслаҳат берамиз (мавриди келганда айтиб ўтиш зарурки, Абдуҷалил ака бу эзгу ишлари учун Ўзбекистон Президентининг фармонида биноан “Меҳнат шухрати” ордени ҳамда Япония императорининг “Отаётган кўёш, олтин ва кумуш нурлар” ордени билан тақдирланган).

Фильм кўригидида бу табарруқ инсон оиласининг вақиллари ҳам иштирок этгани анжуманга ўзгача фойз бағишлади.

“Улуғ Амир ва донна Мария” фильми ўзбек кинематографиясининг, Янги Ўзбекистон кино санъатининг йирик халқроқ ижодий лойиҳасидир.

Кинополотно Туркиянинг “Kanguru film yaratıcsaret limited şirketi” (муассиси ва раҳбари — Булкан Онги) билан яқин ижодий ҳамкорликда суратга олинган.

Фильмдаги асосий ролларни ўзбекистонлик Элбек Файзиев, Жўрабек Арзиев, Кўпжурсин Алланазаров, Ўлмас Ўраев, Зилола Искандарова, Баҳодир Болтаев каби артистлар билан бирга буюк британиялик Ник Корнуолл, Роберт Льюис, испаниялик Оскар Форонда, Хуан Касильяс, италиялик Жованни Лелли, Харукио Хал Яманочути, Билли Бозз, нидерландиялик Эппо Вортман, америкалик Майкл Митчелл, франциялик Кэнго Саито, туркиялик Юнус Таха Карааслан, Нурай Эркөл, Ясемин Язучи, Фатих Йилмаз, Ҳайдар Кўйёл, туркманистонлик Зокиржон Бозоров сингари танкили хорижий актёрлар ижро этганлар. Донна Мария ва кичик Мария образларини бразилиялик истеъдодли актриса, мафтункор Жессика Мэй Кара маҳорат билан яратган.

Бу мураккаб ва улкан кинолойиҳани рўёбга чиқаришда оператор Рустам Муродов, бадий раҳбар Жаҳонгир Қосимов, адабий маслаҳатчи Шўҳрат Ризаев, илмий маслаҳатчилар Ҳамидулла Дадабоев, Хуршид Файзиев, расом Шамшетдин Ибрайимов, компьютер графикаси бўйича координатор Ғолибжон Саноккулов, продюсерлар Фирдавс Абдуҳолиқов, Баҳодир Одилов, композитор Қосим Муинов, хонанда Севара Назархон, шоира Хосият Бобомуродова, Фахриёр каби танкили ижодкорлар, шунингдек, Шакен Алтинбек (Қозғистон) ва Азиз Торе (Туркия) бошчилигида катта каскадёрлар гуруҳларининг ҳам иштироки катта бўлган.

Фильмнинг ўзбек, испан, инглиз, венгер, турк, япон тилларида суратга олинган унинг қўламини ва географияси ҳам нақадар кенг эканидан далилат беради.

Ҳар бири ўз сўзи, ўз характериға эга машҳур ижодкорларни яхлит байналмилал жамоага айлантириб, умумий мақсад сари сафарбар эта олган Ёлқун Тўйчиевнинг нафақат режиссёрлик маҳорати, балки менежерлик қобилияти ҳам таҳсинга сазовор.

Муҳтарам Президентимиз ўз қишларининг бирида: “Агар биз тарихимизни дунёга тараннум этмоқчи бўлсак, халқимизнинг миллий ғурурини кўтармоқчи бўлсак, буни биринчи навбатда кино ёрдамида амалга оширишимиз керак”, деб таъкидлаган эди.

“Улуғ Амир ва донна Мария” тарихий-бадий фильми ўзбек киносининг ана шундай юксак талаб асосида катта тараққиёт йўлига чиқиб бораётганини, янада баланд марраларни эгаллашга қодир эканини кўрсатади.

Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Ўзбекистон санъат арбоби,
академик

Бошланиши 1-саҳифада.

Хусусан, Давлатимиз раҳбари 2023 йил 31 октябр куни Фаластин – Исроил низоси хусусида тўхталиб, “Биз Фаластин ва Исроил томонидан қурбон бўлган барча инсонларнинг оилаларига чин дилдан таъзия ва ҳамдардлик изҳор этамиз”, деган эди.

Президентимизнинг ҳамдардлиги фақат сўзда қолиб кетмай, “бағрикенг ўзбекнинг ўчмас имони” бюрганидай амалда ҳам ўз ифодасини топди. Ғазо сектори аҳолисига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш учун БМТнинг Яқин Шарқ агентлигига 1 миллион 500 минг доллар ажратилди. Бу қарор халқимиз ва халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланди, эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари халқаро минбарларда туриб, дунё етакчиларини бот-бот ушбу ҳудудда тинчлик ўрнатишга чақирмоқда. Қуйида Президентимиз нутқидан парчалар ўқиймиз: “Глобал тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган Яқин Шарқдаги Фаластин–Исроил уруши барчамизда катта ташвиш уйғотмоқда. Биз томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга, тинч музокараларни бошлаш, оқилона муросасга келишга чақирамиз” (Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн олтинчи саммити, 2023 йил 9 ноябрь).

“Энг оғриқли муаммоларга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва резолюциялари асосида ечим топиш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, Фаластин–Исроил низосининг ягона ва адолатли ечими “икки халқ учун – икки давлат” тамойилини рўёбга чиқаришдан иборатдир” (Парламентлараро иттифоқнинг 150-Ассамблеяси, 2025 йил 7 апрель).

“Ғазода сулҳ битимининг бузилиши ва ҳарбий ҳаракатларнинг қайтадан бошланиши барчамизни чуқур ташвишга солмоқда. Токи “Икки халқ учун – икки давлат” тамойили рўёбга чиқмас экан, Фаластин–Исроил низосининг адолатли ечимини топиш мумкин эмас” (Туркий давлатлар ташкилоти норасмий саммити, 2025 йил 21 май).

Бошланиши 1-саҳифада.

ИНСОНИАТ ТОЛЕИ КАФОЛАТИ

“БУНДА БОР ҲАРОРАТ, МУҲАББАТ, ШАФҚАТ...”

“Кўпдан буён чўзилаётган Ғазо фожиасига эътиборингизни қаратмоқчиман. ХХI асрда кўз ўнгимизда кўплаб бегуноҳ инсонларнинг нобуд бўлаётганини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Бу муаммонинг ягона ечими – низоми халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва қабул қилинган резолюциялар асосида адолатли ҳал қилишдир. Фаластин халқи ўз мустақил давлатига эга бўлишга ҳақлидир” (Туртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми, 2025 йил 10 июнь).

Кўриб турибмизки, Фаластин масаласи кўтарилган йилгилар турли даражада ва мавзуда бўлса ҳам, заминнинг оғриқли нуқтасига бўлган Ўзбекистоннинг муносабати асло четга суриб қўйилгани йўқ.

Ҳар бир давлат раҳбарининг муносабати ўша мамлакат ва халқнинг позициясини ифода этади. Гарчи Ғазога тўғридан-тўғри моддий ёрдам бериш имкони нихоятда чегараланган бўлса ҳам, руҳий мадад бериш қўлимиздан келади. Жаҳон ҳамжамияти эътиборини бу масалага тез-тез жалб қилиш тинчлик йўлидаги муҳим қадамдир.

Фаластин халқига бу оламда ёлғиз эмаслигини, улар ҳақида қайғурадиган, улар учун тинч кунлар бошланишини халқаро қонунчиликда мустаҳкамлашга уринаётган дўстлари борлигини ҳис қилишнинг ўзи куч-қувват бағишлайди.

“СЎНГИ ОЙЛАР ИЧРА БИРИНЧИ ЧЕЧАК...”

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 11 ноябрь куни Фаластин муаммосига бағишланган навбатдан ташқари араб-ислом саммитида иштирок этиб, тинчликка элтувчи бир нечта хайрли ташаббусларни илгари сурган эди. Жумладан, Президентимиз Фаластин–Исроил муам-

мосини тинчлик ва дипломатия йўли билан ҳал этишга қаратилган барча амалий ҳаракатларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, урушда жабрланган бир гуруҳ фаластинлик болалар ва аёлларни Ўзбекистон шифохоналарида берағаз даволашга тайёригини таъкидлаганди.

Ушбу хайрли ташаббус ортидан ўтган йилнинг 26 декабрь куни Ўзбекистон томонидан Тошкент–Миср–Тошкент йўналишида махсус чартер рейс амалга оширилди. Уруш ҳудудларида азият чеккан 100 нафар фаластинлик болалар ва аёллар олиб келинди.

Ўзбекистонга келган бемор болалар ва аёллар, уларга ҳамроҳлик қилувчилар давлат томонидан тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди ва соғломлаштириш сўхатохларига жойлаштирилди.

“ВА МЕҲНАТ НОНИНИ КЎРАМИЗ БАҲАМ...”

“Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон моҳиятан туб ислохотларимиз изчиллиги ва назорати кафолатларини акс эттиради. Ушбу тарихий ҳужжатда реабилитация қилинган фаластинликларга кўмак беришнинг энг майда деталигача дақиқлик билан ҳисобга олинган. Ҳар бир вазифа тегишли вазирлик ва ташкилотга бириктирилган. Фармоннинг инсонпарварлик моҳияти-ю, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатларини кенг шарҳлаш сиёсатшуносларга тан, албатта. Биз эса ундаги айрим қисмларга эътибор қаратмоқчимиз.

Фармон матни шу қадар синчковлик, инсонпарварлик, кўнгилпарварлик ва миллий қадриятларимизга хоски, фаластинликларга



Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб бериш.

Фармонда тиббий ва руҳий далда олган, моддий кўмак кўрсатилган меҳмонларнинг бандлигини таъминлаш ҳам устувор масала сифатида алоҳида эътиборга олинган. Бунинг учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда меҳмонларнинг хоҳишига кўра уларнинг бандлигини таъминлаш, замонавий касб-ҳунарни эгаллашига кўмаклашиш бўйича Республика комиссиясига таклифлар киритади.

Шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган меҳмонларни оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш”, “Бизнесга биринчи қадам” ва “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурлари доирасида тадбиркорликка жалб қилиш чоралари кўрилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур фармон меҳмондўст ўзбек халқи ҳамда Раҳбарининг “азалий одамийлик” тамойилларига нақадар содиқлигини яна бир бор намоён этди.

Отабек БАКИРОВ



да қолиб кетмаслиги кераклигини тез-тез тақдорлайди. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, филиалларимиз салоҳиятини пойтахтдаги нейромарказлар даражасига кўтаришга ҳаракат қилияпмиз. У ердаги ҳамкасбларимиз билан жонли ва масофавий алоқаларни тизимли равишда кучайтирдик. Эътиборлики, вилоятлардаги мураккаб жарроҳлик амалиётларида чет эллик малакали мутахассислар ҳам жалб этилмоқда. Бу борада салмоқли қадамлардан бири Самарқандда қўйилди. Туркиялик профессор Саид Ўзтурк иштирокида паркинсон касаллиги билан рўйхатга олинган беморнинг бош қисмига “чип” ўрнатиш операцияси ўтказилди. Икки-уч йил ичида бошқа ҳудудларда ҳам бу амалиётни татбиқ этамиз.

Кузатишлар натижасига кўра, бошқа давлатларда даволаш кўрсаткичининг юқорилиги шифокорлар малакаси ёки иқтисодий барқарорликка эмас, айнан касалликни илк давридаёқ аниқлашга боғлиқ экан. Бу ўринда одамларнинг тиббий маданияти ҳам муҳим роль ўйнайди. Хорижда шикоят бор-йўқлигинида қатъи назар, фуқаролар белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтади, турли касалликлар бўйича таҳлиллар топиради. Агар соғлигида салбий ўзгариш сезса, дарҳол шифохонага мурожаат қилади. Чунки ҳар қандай касаллиқни бошланиш даврида даволаш жуда катта самара беради.

Бош мия онкологик касалликлари ҳам ана шундай эрта аниқлашни талаб қилади. Бунинг ортидан келиб чиқаётган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш ҳар бир нейрожарроҳнинг асосий мақсадидир.

– Бош мия онкологик касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этиш усуллари ҳали у қадар аниқланган эмас, – дейди қарийб уч мингга яқин жарроҳлик амалиёти ўтказган Абдурахмон Норов. – Лекин

эҳтиёт чоралари бор. Аввало, миани кўпроқ ишлаштир – китоб ўқиш, фикрлаш, турли воситалар билан чархлаб туриш керак. Шунингдек, стресс ва депрессиядан ҳимояланиш, миани илғор фаолиятга йўналтириш кўплаб касалликлар ривожланишининг олдини олади. Меъёрдан юқори бўлган қон босими ҳам мия фаолиятининг бузилиши, ҳужайраларининг жароҳатланишига олиб келади. Мавзуга алоқадор бўлгани учун парҳез қилаётган юртдошларимизга муҳим бир масалани эслатиб ўтмоқчиман. Тиббиётда аутофагия деган атама бор. Кенгроқ айтсак, организм оч қолганда ўзини-ўзи истеъмол қилишга ўтади ва биринчи галда касал ҳужайраларни ейди, дегани. Бу томондан парҳез тутишнинг фойдали тарафи бор, албатта. Лекин нотўғри парҳез, айниқса, суюқлик кам ичиш организм қуришига олиб келади. Қон қуюқлашди ва айланма ҳаракати пасаяди. Бу эса мияга кислород боришини камайтиради. Бугун баъзи нейрхирургик касалликлар шу сабаб билан ҳам кўпаймоқда. Яна бир нарсани айтиб ўтишим лозим: оилада болаларга нисбатан зўравонлик, ўсимирларнинг узоқ вақт руҳий тушқунликда қолиб кетиши мия ривожланишига салбий




таъсир қилади. Гарчи кўпчиликка ёқмайдиган оғохлантириш – уяли алоқа воситаларида соатлаб суҳбатлашиш бош мияда ўсимта ўсишига сабаб бўлади.

Шифокорнинг жонқуярлик билан тушунтириши бежиз эмас. Мия тананинг бош штаби ва энг кўп энергия сарфлайдиган муҳим аъзодир. Сўзлаш, ҳаракатланиш, таъм ва ҳид сезиш каби ҳусусиятлар инсоннинг бош миясида жойлашган ўн икки жуфт нерв орқали бошқарилади. Бу эса мияга тиг теккизишнинг қанчаллик хавфли ва мураккаб эканини кўрсатади. Ўта масъулиятли бу соҳа ходими учун бирдан бир улув мақсад – инсонни асраш керак!

Шу маънода даволашда жарроҳлик амалиётига эмас, юқори технологиялардан фойдаланиш ҳам талаб этилади. Бугун нейрхирургия диагностикасига катта аҳамият берилмоқда. Бу йўлда барча туман-шаҳарларда магнит-резонанс ҳамда компьютер томографияси фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, миянинг турли қисмларини аниқ текшириш ва операцияларни олдиндан режалаштириш учун функционал томография, миядаги қон томирларини кўриш ва аневризмани аниқлаш учун ангиография каби усуналардан унумли фойдаланилмоқда. Катетер орқали мия ичини операциясиз даволаш, қон томирлардан бориб тромбларни олиб ташлаш учун тромбоекстракция, мияга стимулятор қўйиш амалиётлари, виртуал реабилитация дастурлари жорий этилди. Истиқболда эса мия ўсмалари ва қон томир патологияларини операциясиз даволаш, роботлар ёрдамида нозик жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли ўтказиш, асаб тўқималарини тиклашдек муҳим вазифалар кутмоқда. Республика нейрхирургия илмий маркази эса мана шундай долзарб жараёнлар марказида туриб, 500 га яқин тиббиёт хо-



дими билан аҳоли саломатлигини сақлашга хизмат қилмоқда.

– Бу ерда асосан сурункали касалликка чалинган беморлар ётқизиблиб, режали равишда операцияга олинади, – сўзида давом этди марказ директор ўринбосари Абдурахмон Норов. – Муассасамиз даволаш билан бир қаторда соҳа мутахассисларининг янги авлодини тайёрлаш, инновациони ишланмалар, янги лойиҳаларни ўрганиб, тиббиётга татбиқ қилиш билан ҳам бирдай шуғулланиб келмоқда. 130 ўринга мўлжалланган марказда бугун яқин ва узоқ давлатлардан келиб даволанаётган беморлар ҳам кўпчилиқни ташкил этади. Марказда ҳам инвазив операциялар,

интерартериал кимётерапия амалиёти ҳам қўлланилмоқдаки, илгари беморлар бундай амалиётлар учун чет элга боришга мажбур эди. Юқори технологияли жарроҳлик амалиётларининг инновациони турларини дадил жорий қилиш орқали кўплаб беморлар жиддий касалликлардан бутунлай фориғ бўлмоқда.

Аҳолимизнинг оғриқли нуқтаси шундаки, ҳали-ҳамон айримлар хорижда даволанишни талнапта. Ваҳоланки, тиббиёт марказларимиз ҳолати, шифокорлар салоҳияти халқаро клиникаларникидан паст эмас. Шунчаки, беморларни бошқа давлатларга олиб кетиш билан шуғулланувчиларнинг қақриқлари кўпчилиқни чағлантирмоқда. Чунки уларнинг хорижий клиникалар билан молиявий келишувлари бор, ҳар бир олиб борган мижози учун касаллик турига қараб улуш олади. Соддадил халқимиз эса ўзлари билмаган ҳолда, валюта чиқариш орқали бошқа мамлакат тиббиёти, унинг иқтисодий ривожига ҳисса қўшади. Дейлик, ўзимизнинг ҳусусий тиббиёт муассасаларида ўн миллион сўмга бажариладиган амалий иш хорижда юз миллион сўмга тушади. Гарчи шарт-шароитлар ҳам, процедура ҳам уларникидан қолишмайди, азбаройи ташвиқотнинг зўрлигидан бемор хорижга боришни ихтиёр қилади.

Сўнгги йилларда бу ҳолат 10–15 фоизга камайган. Биз беморга ўзимизда даволан ёки бошқа шифокорга мурожаат қилма, дея олмаймиз. У ўзи истаган тиббиёт муассасасига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу масаладаги муаммомиз миллий тиббиётимиз тарғиботини кўнгилдагидай йўлга қўя олмаётганимизда деб ўйлайман. Одамлар кўп ҳолда шифокорнинг ижтимоий тармоқдаги фаоллигига қараб унга юзланади. Ҳар бир тиббиёт маркази пиар менежерларини ишга солса, амалга оширилаётган ишлар тарғиботини кучайтирса, беморларимизга хасталиқни ўзимизда бемалол даволаш мумкинлиги, қайтага бу ҳам молиявий, ҳам жисмоний жиҳатдан қулай эканини етарли даражада ташвиқ қилса, кифоя.

Шифокорнинг фикрида жон бор. Муваффақиятларни кўрсата билиш ҳам давр талаби. Зеро, “қачондир, қимдир уни кашф этмагунча ҳаёт формуласини ўзи билан олиб” кетган Александр Беляевнинг Доуэли айтганидай, “соф илмий тафаккур бутун инсониятнинг толеи”дир. Жумладан, тиббиёт тараққиёти ҳам.

Муҳайё РУСТАМОВА



Ушбу QR-кодни сканерланг ва ижтимоий тармоқларда томоша қилинг!



ГУРУНГ

ИСТЕЪМОЛЧИ ЭМАС, КАШФИЁТЧИ КЕРАК

Академик Мирзиёд Мирсаидов билан суҳбат



Қадимги Юнонистоннинг машхур олими Архимед ўз ҳукмдори Хирон II билан кечган суҳбатда: “Менга таянч нуқтасини топиб берсангиз, бутун курраи заминни ҳам силжитиб юбораман!” деган экан. Ўшанда, “механиканинг отаси” яратган қуроллар Сиракуза мудофасида душман кемаларини ағдарган кунларда инсоният яна бир муҳим ҳақиқатни англади: назария ҳаётга кўча, миллат тақдирини ўзгартаришга қодир...

Юртимиз юқори сейсмик фаолликка эга ҳудудда жойлашгани маълум. Шу боис механика ва инженерлик илми нафақат барқарор ривожланиш, балки миллат хавфсизлиги учун ҳам асосий таянч ҳисобланади. Бу эса илмий изланишлари билан миллий маорифимизга сезиларли ҳисса қўшаётган олимларнинг фикр-мулоҳазаларини кенгроқ ёйишимиз кераклигини билдиради. Шу боис Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, техника фанлари доктори, профессор Мирзиёд Мирсаидов билан механика ва инженерлик соҳасидаги изланишлар, ютуқлар ва келгусида қилиниши шарт бўлган ишлар тўғрисида суҳбатлашдик.

Умрининг олтимши йилини илмга бағишлаган фидойи устоз сўзини шундай бошлади:

— 1991 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг “Механика ва компьютерли моделлаштириш” кафедраси мудири лавозимида иш бошлаганимда аҳвол жуда абгор эди. Шу ўттиз тўрт йилда кафедра номидан тортиб мақсаду вазибаларига тубдан янгиланди. Ҳозир бу ерда энг сўнгги русумдаги компьютерлар, илмий моделлаштириш дастурлари, лаборатория ускуналари, механика ва материаллар бўйича турли тренажёрлар, микроскоплар ва спектрометрлар мавжуд. Шу билан бирга бой илмий китобхона, электрон қўлланмалар ва замонавий дарсликлар ҳам ишлаб чиқилди. Шунинг учун бўлса керак, талабаларимиз ҳар йили халқаро фан олимпиадаларида ғалаба қозониб келмоқда. Аслида, кафедрамизда ўқитиладиган фанлар жуда мураккаб ва кўп қиррали: назарий механика, материаллар қаршилиги, иншоотларнинг сейсмик барқарорлиги ва турли инженерлик масалаларини ЭХМ (электрон ҳисоблаш ва моделлаштириш) дастурлари орқали таҳлил қилиш каби соҳаларни қамраб олади. Кўряписки, бу фанларнинг баъзиларини тушуниш у ёқда турсин, ҳатто номини айтиш қийин. Аммо шиддат билан ривожланиб бораётган давлатлар айнан шу фанлар олдида қарздор.

Кафедрамизда талабалар замонавий инженерлик таҳлили, материалларнинг механикаси, сейсмик хавф-

сизлик ва компьютерли моделлаштириш соҳасида мутахассис бўлиб етишади. Асосий мақсадимиз — давлатимиз учун юқори савияли, замонавий талабаларга жавоб бера оладиган малакали муҳандисларни тайёрлаш. Битирувчиларимиз сув хўжалиги, механика, электротехника ва автоматика соҳаларида фаолият юритадиган инженер бўлади. Улар тўғонларни эксплуатация қилиш, турли машиналар яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги учун замонавий механизмлар ишлаб чиқиш каби соҳаларда мустақил ва самарали меҳнат қилади.

Маълумки, университетимиз халқаро рейтингда 469-ўринни эгаллаган. Биргина АҚШда 5800 дан ортиқ университет борлигини ҳисобга олсак, бу жуда яхши натижа. Бундан ташқари, ТИҚХММИ Марказий Осиёдаги олий таълим муассасалари орасида 7-ўринда туриб, илмий салоҳият ва академик обрўнинг минтақавий даражада ҳам эътироф этилганини намойиш қилади.

Бу йил университетимизда хорихлик талабалар сони янада ортиши кутилмоқда. Ҳозиргача икки мингга яқин чет эллик талабгор ҳужжат топширган. Улар нима учун бизни танлади? Жавоби оддий: университетимиз катта илмий ва таълим обрўига эга. Малайзия, Озар-

қиш ва имкониятлар сезиларли даражада ошди. 2017 йилда мактабни битирган болалардан олий таълим муассасаларига қабул қилинганлар сони 9 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 42 фоизга кўтарилди. Бу, ўз навбатида, ёшлар орасида таълимга иштиёқ ортганини ҳам кўрсатади. Эндиликда абитуриент агар бешта олий таълим муассасасининг бирортасига ҳам қабул қилинмаса, оптинчи имконият ҳам тақдим этиляпти. Бироқ, тўғриси айтиш керак, ҳамма ҳам ҳақиқий билим ва салоҳият учун ўқиётгани йўқ — баъзи ёшлар фақат диплом учун ҳаракат қилади. Улар баъзан дарснинг ўртасида “Бу фан бизга нега керак?” дея лўкма ташлайди. Аммо ҳақиқат шундаки, ҳар бир фан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни муаммоларни ҳал қилишга ўргатиш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшишга хизмат қилади.

Жуда кўп ўйлайман, биласизми, агар мамлакатимизда талабаларнинг 40 фоизи фидойи, фанга муккасидан кетган бўлсайди, биз аллақачон ривожланган мамлакатлар қаторида бўлардик. Ҳалиям кеч эмас, тинимсиз меҳнат қилиш, изланиш керак.



байжон, Туркия, Хитой, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистондан толиби илмлар келяпти. Ҳозирги кунда бизнинг йўналишга чет эллик 58 нафар талабгор ҳужжат топширган, аммо қабул 25 нафар билан чекланган. Демак, рақобат юқори”.

— Устоз, ҳозир фахрларли натижаларни санадингиз, раҳмат. Албатта, бу яхши. Аммо айтинг-чи, ўз талабаларимиз ҳам бу имкониятдан етарлича фойдаланяптими? Олдимиздан оқиб ўтаётган дарёнинг қадрига етямизми?

— Очиги, бу ҳақда мен ҳам кўп ўйлайман. Шунча шароит бўлса-да, баъзи ёшлар орасида негадир инженерлик, хусусан, механикага қизиқиш паст, суствашлик ва бироз бефарқлик бордек. Балки бу фаннинг оғирлиги ва узок муддатли меҳнат талаб қилиши билан боғлиқдир. Биласиз-ку, ҳозир кўп ёшлар телефон ва машина каби бехуда ҳою ҳавасларга берилиб кетяпти. Ваҳоланки, улар фойдаланиб турган буюмларни ўзлари каби оддий одамлар илм эвазига яратган. Шунинг учун фақат истеъмолчи эмас, яратувчи ва кашфиётчи ҳам бўлиш керак. Ривожланган мамлакатлардан ортада қолмаслик учун билим ва илмий салоҳиятга интилиш ҳар биримиз учун муҳим.

Шукри, Ўзбекистонда олий таълимга бўлган қизи-

— Кунни кеча “Янги Ўзбекистон” боғида 2000 нафар ёш муҳандис бир вақтнинг ўзиде 1946 та кичик роботни йиғиб, рекорд қайд этди. Бу жараён ёшларимизнинг илмий-техник салоҳияти, изланувчанлиги ва жамоавий ҳамжиҳатлигини яна бир бор намоиш қилди. Маълумки, ушбу рекордда Сизнинг талабаларингиз ҳам фаол қатнашди. Демак, ҳали умид бор, шундайми?

— Албатта! Масалан, Ўзбекистоннинг “Scopus”даги рейтингни 2023 йилда илмий нашрлар сони бўйича 1200 та мақола билан 18 фоиз ўсишни кўрсатди. Бу мамлакатимиз олий таълим муассасаларида илмий фаолиятнинг сезиларли ривожланаётганидан дарак беради. Шунингдек, “Scopus” индекслари таҳлилига кўра, Ўзбекистон ўша йили 106 х-индекси билан Осиё минтақасида 22-ўринни эгаллади. Демак, бизда яратилган қўлланмалар ва илмий материаллардан нафақат маҳаллий талабалар ва олимлар, балки жаҳон афкор оммаси ҳам кенг фойдаланмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг илмий салоҳияти ва академик обрўсини халқаро миқёсда янада мустаҳкамлайди ҳамда дунё олимлари билан ҳамкорлик учун янги имкониятлар очади.

— Бу факт ва таҳлилларни эшитиб, менда шундай тасаввур пайдо бўлди: демак, бизда илм-фан

оқибатида 79 киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда Афғонистон ИИВ матбуот котиби Абдул Матин Кангига таяниб “Independent” нашри хабар берди.

Хабарда айтилишича, қурбонларнинг 19 нафари болалар бўлган. Автобусдан фақат уч кишини қутқариб олишга муваффақ бўлинган.

КИТОБ СОЛИҒИ БЕКОР ҚИЛИНДИ
Дания ҳукумати “мүтолаа инқирози”га қарши курашиш мақсадида китобларга қўйилган 25 фоизлик савдо солигини бекор қилишини эълон қилди. Бу ҳақда “BBC” хабар берди.



Маданият вазири Якоб Энгел-Шмидт ушбу солиқни бекор қилиш натижасида китоблар дўконлардан тезроқ сотиб олинишига умид билдирмоқда.

“ТАДБИРКОР” ТРАМП



АҚШ президенти Дональд Трамп Оқ уйга қайтганидан сўнг 100 миллион доллардан ортиқ компания ва муниципал облигацияларни сотиб олгани молиявий ҳисоботларда акс эттирилди. “Al Jazeera” хабарига кўра, ушбу маълумотлар миллиардернинг лавозимдаги бойлигини қандай бошқараётганини кўрсатиб берди.

АҚШ Ҳукумат этикаси бошқармаси маълум қилишича, Трамп президентликка киришгач, олти ойда қарийб 700 та молиявий харидни амалга оширган.

Харидлар орасида Wells Fargo, Morgan Stanley ва Citigroup каби молиявий гигантларнинг облигациялари, шунингдек, Meta, UnitedHealth, T-Mobile ва The Home Depot сингари машхур корпорацияларнинг қимматли қўғозлари мавжуд.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ИСРОИЛ ҲАЗОГА ҲУЖУМ БОШЛАДИ

Исроил мудофаа армияси Ҳазо шахрига ҳужум бошлади, деб ёзмада “The Jerusalem Post” нашри армия вакили, бригада генерали Эффи Дефринга таяниб.

“Қўшинларимиз аллақачон шахар атрофини назорат қилмоқда”, деди Дефрин. Унинг сўзларига кўра, Исроил қарбийлари Ҳазо аҳолисининг хавфсизлиги учун қўчиб ўтиши, гуманитар ва тиббий ёрдам олиши учун ҳаракат қилмоқда.

Ҳазога ҳужум Фаластиннинг ҲАМАС ғуруҳи



вакиллари гаровда тирик қолган 10 кишини озод қилишни ва 60 кунга ўт очишни тўхтатишни тақлиф қилган бир пайтда бошланди, деб таъкидлади “The Jerusalem Post”.

ЧОЙЧАҚАНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ ТАКЛИФИ


Қирғиз Республикаси адлия вазири Аяз Баев тиббиёт ходимларига “ихтиёрий кўшимча тўлов” механизмини жорий этишни тақлиф қилди. У давлат тизимини бюрократиядан холи қилиш бўйича идоралараро комиссия йиғилишида шундай ташаббус билан чиқди, деб ёзмада “24.kg”.



“Официантга чойчақа — яхши оҳанг, дўхтирга чойчақа — пора, бу нотўғри! Молиявий автономия доирасида ихтиёрий кўшимча тўлов тушунчасини идоралараро комиссияга қўриб чиқиш учун юборамиз”, дея Баевнинг сўзларини келтирди нашр.

“ДУНЁНИНГ ЭНГ МЕҲРИБОН СУДЬЯСИ” ВАФОТ ЭТДИ

Суддаги таъсирли чиқишлари билан танилган судья Фрэнк Каприо 88 ёшида ошқозон ости беи саратонидан вафот этди.



АҚШнинг Род Айленд штатидаги Провиденс шаҳридан бўлган судьяни баъзилар “Провиденсда тутилганлар” дастури орқали танийди, унинг лавҳалари ижтимоий тармоқларда оммалашган.

Каприо ўз суд залини “одамлар ва ишларни меҳр ва раҳм-шафқат билан кутиб оладиган жой” деб таърифларди. Уни суд залидаги ҳаракатлари учун “дунёнинг энг меҳрибон судьяси” деб аташган.

АФҒОНИСТОНДА АВТОҲАЛОКАТ



Афғонистоннинг Хирот вилоятида Эрондан қайтаётган автобус мотоцикл ва бензин ташувчи машина билан тўқнашиб кетиши



ТАҲЛИЛ

Яқин ўтмишимизга тош отиш халққа ҳам, давлатга ҳам фойда келтирмайди. Аксинча, дунё миқёсида обрўимизга путур етади. Қайсидир маънода уйнинг сири кўчага чиқади ҳам. Ахир: “Сарингни берсанг ҳам, сирингни берма!” деган доноларча айтилган мақолимиз бор. Бу ердаги “сар” сўзи “бош” маъносига келган.

Лекин...

Янги Ўзбекистон ўтган 9 йил мобайнида айнан қандай мураккаб ҳолатдан чиқиб, қандай даражага етганини ёрқин ҳолда кўз олдимизга келтиришимиз, улкан қўламини борица тасаввур этишимиз, бу борада қилинган катта саъй-ҳаракат, олиб борилган оқиллона сиёсат, булар замиридаги порлоқ келахакка қаратилган эзгу мақсадлар моҳиятини теран англаб етишимиз учун қийёсга эҳтиёж сезилади, албатта.

ОРТГА БИР НАЗАР

Мустақиллик йилларида илм-фан ва таълим соҳасида муайян ютуқларга эришдик. Аввало, фанимиз совет мафқураси таъсиридан батамом қутулиб, ўз миллий ўзанига тушиб олди. Давлат тилида диссертациялар ёклаб, ўзимизда ташкил этилган Олий аттестация комиссияси томонидан илмий даража ва унвонлар оладиган бўлдик. Олий таълим соҳасида ҳам сезиларли сиқилишлар юз берди. Янги-янги университетлар очилди ва ҳоказо.

Бироқ олий таълим муассасаси профессор ва ўқитувчиларининг ижтимоий аҳолини ўнглаш имкони бўлмади. Ҳатто, профессорнинг маоши билан талабанинг стипендияси ўртасидаги фарқ шу даражада оз эдики...

Шунга қарамай, ҳаммаси яхши кетаётгандек эди. Илм аҳли фидойиларча меҳнат қилиб, диссертациялар ёзиб ёқлар, китоблар чиқарар, келажакка умид билан яшаётган эди.

Асримизнинг 10-йиллари биринчи ярмида ҳам мамлакат катта бюджет танқислигини бошидан кечирди. Бунга қарши курашнинг интенсив эмас, кўпроқ экстенсив йўллари танланди. Шу жараёнда ларда юз берган илм-фан ва таълим билан бевосита боғлиқ уч ҳолат бу соҳани тамоман боши берк кўчага киритиб қўйди.

Биринчиси – бутун дунё, юзга кирган бўлса ҳам, жамиятнинг ҳар бир аъзосини меҳнат қилишга ундаш билан банд бўлиб турган бир тамаддун замониди бўли ташпа-тайёр ишлаб турган илм-фан ва таълим соҳаси вакиллари Меҳнат кодексининг тегишли моддаси асосида, яъни пенсия ёшига етгани муносабати билан иш берувчининг ташаббусига кўра ишдан бўшатдик.

Очигини айтинг, қайси олим 60, қайси олима 55 ёшида шавлираб қолади?

Ўзи дунё бўйича жами аҳолининг 92 фоизигина 65 ёшдан ошар экан. Яъни, амалда пенсияга чиққанидан кейин ишлаш истагида бўлганларнинг жуда катта қисми айнан зиёлиларга тўғри келади. Пенсияерларни ишдан бўшатиш камланиши, асосан, зиёлилар, биринчи галда олий таълим муассасалари профессор ва ўқитувчиларига қарши уюштирилган бир ҳужумдек бўлди.

Ҳолбуки, жаҳон олимларининг тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, инсоннинг ҳаётдаги энг фаол, энг самарали, энг сермахсул ёши айнан 60-70 нинг ораси экан. 70 билан 80 нинг ораси эса иккинчи, 50 билан 60 нинг ораси, ҳатто, учинчи ўринда турар экан.

Ўн йилча бурунги тарихни кечагидек эслайман. Малака ошириш институтларининг бирида 0,5 юк-лама билан ишлаб юганимда пенсияга чиқдим. Дейлик, маошим 500 минг сўм бўлса, пенсиям 400 минг сўм эди.

Ишлаётганим учун пенсиямнинг ярмини қирқди. Амалда икки баробар ишлаб, бир баробар ойлик олгандек бўлдим.

Бўшатилмаганимга шукр қилиб, ишладим. Чунки қонунан пенсияерни иш берувчининг ташаббуси билан бўшатиб юбориш ҳам мумкин эди-да.


Соҳа вакили, вазиятни ичидан билган киши сифатида айтман: кўп олимлар ўқиди, уларни айни куч-қувватга тўлган, катта малака ва тажриба тўплаган, юксак маҳоратга эга маҳалида уйда ўтириб қўйдик. Нима эмиш? Пенсия ёшига етганлар жойини ёшларга бўшатиб бериб, пенсиясини е-ёб ётсин эмиш! Бюджет танқислигининг олдини олишга масъул ўша пайтдаги валломатлар мамлакатда яширин иқтисодиётга барҳам бериб, бизнесни ривожлантириш, шу тариха солиқ тушумини кўпайтириш ўрнига ўзларига осон бўлган бюджет харажатларини қисқартириш йўлини танлади.

Хўш, охири нима бўлди? Ким ютди-ю, ким ютказди? Ҳеч ким ютгани йўқ. Бутун жамият ютказди. Бу чигалдан-чигал муаммо Янги Ўзбекистонда Меҳнат кодексининг шу моддасини ўзгартириш орқали буткул барҳам топди.

ИСЛОҲОТГА ҚАРШИ “ИСЛОҲОТ”

Ислохот ном билан амалга оширилган иккинчи ўзгариш илм-фан ва таълим тизимига жуда катта зарба бўлиб тушди.

Бутун дунёда диссертация ёклаб, илмий даражага эга бўлганлар маошига қўшимча қўшилиши.



Ахир, бирор соҳани ривожлантириш учун катта меҳнат қилиш керакми? Меҳнатни муносиб рағбатлантириш лозими? Ё илм-фан ва таълим соҳаси вакиллари фаришталари – улар ҳамма қатори еб-ичиши, кийиниши, бола-чақа боқиши, касби тақозо этган илмий-техникавий воситалар сотиб олиши зарур эмасми? Давлат бюджетини кўпайтиришдан кўра уни қисқартиришни ўйлаганларга шу маблағ ҳам ортқича кўринди. Осон йўлини топишди: “Нега бизда олимлар икки марта, яъни ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертациясини ёклаши керак? Биратўла докторлик ёклаб қўя қолса-чи? Шунда илмий даражаси борлар сони кескин озаяди ва бюджет харажатлари камаяди-ку!” дейишди.

2012 йил 24 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4456-сон фармони қабул қилинди. Унга кўра, фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёклаш бекор қилинди. Ҳатто Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабридаги 365-қарори бир бандида қатъий тарзда: “Белгилаб қўйилсинки, илмий даражаси мавжудлиги учун лавозим маошларига қўшимча ҳақ ва бошқа устамалар 2013 йил 1 январдан бошлаб тўланмайди”, деб илмий даража оlishдан моддий манфаатдорлигининг йўли бутунлай тўсилди.

Хўш, Ўзбекистон олимлари ниманинг эвазига йиллар умрини сарфлаб, диссертация ёзиши керак? Ёзмай қўя қолди. Ўша йиллари қанчадан-қанча тайёр номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоялари така-тақ тўхтади. Ҳадеганда илмий кенгашлар очилавермади. Тадқиқотчилар тушқунликка тушиб, илмий ишга қўл силтади. Яшириб нима қилдим, оиламиз аъзоларининг кафедра муҳокамасидан ўтган икки ва тайёр ҳолга келиб қолган бир диссертацияси ҳам тоқчада қолиб кетди.

Тўғри, дунёда бир диссертация ёклаш тизими шакллантирилган мамлакатлар бор. Бироқ бизда бунга бирданига ўтилмоқчи бўлинди. Илмий жамоатчилик ҳали бунга тайёр эмас эди. Бизда кечагина магистратура битириб келган ёш мутахассиснинг бирданига фан доктори диссертацияси ёзиш тажрибаси йўқ эди. Очиги, субъектив тарафдан икки диссертация ҳимоя қилиб, бу даражага эришганларнинг кўпига ичдан бу ўзгариш хуш ёқмади ҳам.

Бошқаларни билмадим, мен ўша йиллари шу тизим орқали фан доктори бўлган бир ёки икки тадқиқотчини эшитдим, холос. Бу гапларимизга шубҳа қилаётганлар учун статистика келтириб ўтиришнинг асло ҳождати йўқ. 2013–2016 йиллари мамлакатимизда диссертация ёклаш деган нарсасдан қийай деб қолди ҳисоб.

ФУНДАМЕНТАЛ ФАН ТАҚДИРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси 1943 йили ташкил топган. У замонавий тараққиёт учун керакли, муҳим тизим. Бу жиҳатдан академияси йўқ мамлакатлар олимлари бизга жуда ҳавас қилишади.

Бироқ 10-йилларда шу тизим ҳам давлат бюджетини қисқартириш ташаббускорлари назаридан четда қолмади. Фанлар академиясининг кўп институтлари университетлар қарамоғига ўтказилди. Тўғри, ривожланган давлатлар университетлари хузурида кучли илмий тадқиқот тизими ҳам шаклланди. Лекин бизнинг университетлар иқтисодий-молиявий жиҳатдан ҳали у даражаларга етгани йўқ-ку. Бунга объектив ва субъектив омиллар ҳали пишиб етилмаган-ку.

Бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳалар учун кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари илмий тадқиқот ва ишланмалар яратиш орқали маблағ топиш имконига эга бўлар. Лекин гуманитар фанлар тақдирини нима бўлади? Фундаментал фан тақдирини-чи? Булар билан ҳеч кимнинг боши оғирмади.

Шукр, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу хато ҳам тузатилди: университетларга ўтказилган институтлар яна Фанлар академиясига қайтарилди.

ОЛМА, ПИШИ...

Кичкинагина ҳовличамизда икки тул олма ўсади. Бири – Европада яратилган “замонавий”, иккинчиси – Фаргона вилоятида асраб қолинган эски “жайдари” нав. Келинг, бевосита бошдан ўтказган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

бир киши сифатида ҳаётий тажриба асосида гапни очик айтий: ҳар қанча: “Олма, пиш!” деганингиз билан олма пишмайди ҳам, “Тагинга туш!” деганингиз билан, тагига тушмайди ҳам!

Бир донатина олма узиб ейиш учун ҳам аввал унинг яхши навини топиб, ниҳол экиш, кейин парваришлаш, ҳар йили буташ, озиклантириш, зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш керак. Бутамасангиз, самарали ҳосил бермайди, яхши озиклантирмасангиз, кам тугади ё мевасини ташлайди, дорилаб турмасангиз, қурт тушади ва ҳоказо.

Лекин олманинг кўнглингизга мос навини танлаш, расамадини келтириб буташ, қандай ўғитлар билан қачон ва қай микдорда озиклантириш, қандай дорилар билан ва қачон зараркундларга қарши курашиш... учун ҳам катта илм зарур.

ТУБ БУРИЛИШ

2017 йили олий таълимдан кейинги таълим соҳасида туб бурилиш юз берди. Яна қайтадан иккита, яъни фалсафа доктори ва фан доктори диссертациялари ҳимоя қилиш қоидаси жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида” 2017 йил 31 майдаги 239/4-сон қароридан кейин яна ҳимояларга кенг йўл очилди.

ИЛМГА ЯНА БИР РАҒБАТ

Нимага, қайси соҳага маблағ сарфланса, у ривожланади. Бу бозор иқтисодиётининг оддий, лекин “олтин” қоидаси.

Вазирлар Маҳкамасининг “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида” 2019 йил 24 декабридаги 1030-сон қарори билан илмий даражага эга мутахассисларга яна бир катта рағбат берилди. Унга кўра, бир йиллик фаолияти якунига кўра белгиланган талаблар асосида илмий ва илмий-педагогик фаолилик кўрсатган фан докторларига кейинги йил давомида 60, фалсафа докторларига эса 30 фоиз микдорда қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. Аслида, шунинг ўзи бир маошдай гап. Аммо унга эришиш учун мутахассис йил давомида фаол меҳнат қилиши лозим. Амалга оширилган ҳар қандай фойдали меҳнат эса амалда мамлакат ривожига қўшилган ҳисса янглиг баҳоланмоғи лозим. Бунга нима етсин!

КЎЗ ЎНГИМИЗДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР

9 йил илгари мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари сони 70 тага бора-бормас эди. Улар сони уч қарра кўпайди. Ҳозир нодавлат олий таълим ташкилотларининг ўзи шунча. Давлат олий таълим муассасаларининг сони ҳам ортди, уларда таълим олаётган талабалар сони ҳам. Илгари ҳар юз битирувчининг 9 фоизи олий маълумот олиш ҳуқуқига эга бўлса, бу кўрсаткич беш баробар ўсиб, ўтган йили 42 фоизни ташкил этди.

Стандартга кўра, уларда профессор-ўқитувчиларнинг камида 35 фоизи илмий даражага эга мутахассис бўлиши зарур. Ахир, диссертация ёзиб, ёклаган кишининг дарсга муносабати ўзгариб, малакаси ошиб, илмий савияси кўтариладими-йўқми?!

Телеграмда “UzA/Ilm-fan kanali” мавжуд. Кузатиб бораётган бўлсангиз, эҳ-ҳе, амалда барча фанлар соҳасида қанчадан-қанча тадқиқотчиларнинг диссертациялари ҳимояси ҳақида пешма-пеш эълонлар чиқиб турибди. Булоқнинг кўзи очиб юборилди. Дарвоқе, яратилган имконият шарофати билан оиламизда тоқчада йиллар қолиб кетган уч диссертация ҳам ёқланди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонимиз яқин келажақда ҳамма соҳада олимлари етарли мамлакатга айланади. Буюк боболаримизнинг жаҳон илм-фанига қўшган улкан ҳиссаси ҳам биздан шуни талаб қилади. Биз бунга тўла ҳақлимиз.

Баъзиларни мамлакатимизда ёқланаётган диссертациялар микдори шошириб ҳам қўяётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто: “Сон кўпайяпти-ю, сифат кам-да”, деяётганлар топилади. Бўлиши мумкин. Лекин фалсафанинг “олтин” қоидаларидан бири шуки, микдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига, аксинча, сифат ўзгаришлари микдор ўзгаришларига олиб келади, албатта. Ахир, юз олимдан бир зўри чиқса, минг олимдан юз зўри чиқади-да.

ГАСТЕРБАЙТЕР ҲАМ
ИЛМЛИ БЎЛСИН!

Кечагина хорижда меҳнат қилиб, бола-чақа боқаётганларга панжа орасидан қарадик. Ахир,

дунёда меҳнат бозори битта бўлганидан кейин, аҳоли бир қисмининг иш излаб, ўз юртига нисбатан ривожланган мамлакатларга кетиши глобал ҳодиса. Бундан, ҳатто, “кучли йигирматалик”ка кирган Ҳиндистон, Туркия, Россия каби давлатлар ҳам истисно эмас. Албатта, биздан фуқаролар иш излаб, Россия ёки Туркияга боради, улардан эса нисбатан юқориқроқ малака ва тил билиш талаб қилинадиган ишларга Германия, Буюк Британия, Францияга кетади.

2024 йили 2023 йилга нисбатан Ўзбекистонга хориждан келиб тушган пул ўтказмалари 30 фоизга ёки 3,4 миллиард долларга ошиб, жами 14,8 миллиард долларни ташкил этди. Кўпроқ Россия, Қозғистон, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Буюк Британиядан маблағ юборилган. Албатта, бизда ишлаб, ўз Ватанига пул жўнатаётганлар ҳам бор. 2024 йили бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 19 фоизга ошиб, 2,8 миллиард долларни ташкил этган. Айирганда ҳам, 12 миллиард қолаяпти-да.

Бугун давлат сиёсатида хорижда меҳнат қилаётганларга нисбатан муносабатимиз кескин ўзгарган. Энди илм-фан ва таълимни ривожлантириш, хорижга янада малакали мутахассис кадрларни ишга юбориш тарафдоримиз. Ахир, бугун дунё бозорида жисмоний меҳнатнинг кадри тобора тушиб бораётгани, аксинча, ақлий меҳнатта кўпроқ ҳақ тўланаётганини ҳамма билиб қолди.

ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ТУРИЗМ

Бир соҳада бир фоизгана ўсиш бўлса ҳам, қарсак чалишимиз керак. Ахир, халқона айтганда: “Тома-тома кўл бўлур”. Яна: “Шаҳар бирдан қурилмайдик”, деган халқона нақлишим ҳам бор. Лекин агар Ўзбекистонимизда шу йилнинг биринчи ярмида туризм соҳасида 48,9 фоиз ўсиш бўлган бўлса, дўппимизни осмонга отишимизга тўғри келади.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йилнинг дастлабки 6 ойда қарийб 5,3 миллион нафар хориж фуқароси мамлакатимизга келган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 1,7 миллион нафарга кўп, яъни 48,9 фоизга ошган. Булар қариндошларини йўқлаш, саёҳат, хизмат ўзасидан, даволаниш, ўқиш учун келишган. Хитойдан келаётганлар сони 2,9, Япониядан келаётганлар сони 1,5, Буюк Британия, Франция, Испания, АҚШ ва Туркиядан келаётганлар сони 1,2, Россия, Германия, Италия, Малайзия ва Ҳиндистондан келаётганлар сони 1,1 қарра ошган. Аммо дунёда 200 дан ортқ давлат мавжуд. Ўзбекистонимиз яқин келажакда Ер юзининг туризм энг ривожланган мамлакатларидан бирига айланади.

2023 йили мамлакатимизга 10,2 миллион киши келган бўлса, бу йилнинг 7 ойида бу кўрсаткич 6,3 миллионни ташкил этди. “BBC Travel global media” портали Ўзбекистонимизни 2025 йилда саёҳат қилиш учун энг яхши 25 та манзил рўйхатига киритди.

Шуни унутмайликки, ҳозирги глобал дунёда амалда ҳеч ким бекордан-бекорга маблағ сарфлаб, иккинчи бир мамлакатга келмайди. Бу ерда уни жалб этадиган жозибадорлик бўлиши лозим. Кимлардир бизга қариндошларини кўргани келадик, кимлардир бизда ўқийди, кимдир қадимий ва бой тарихимиз, бошқани эса табиатимиз, иссиқ иқлимимиз, кимдир қадимий бобарака даладаримизда етиштирилган тотли-тотли ноз-неъматлар аср-асрлар мобайнида шаклланган миллий пазандчилигимизу лаззатлидан-лаззатли таомларимиз, яна бировни зиёратга чорлаб турган муқаддас макбараю қадамжоларимиз, баъзиларни, ҳатто, мамлакатимизда ривожланган бозор тизими ўзига маҳлиё эди.

Бугун амалда ҳамма соҳа, жумладан, туризм равнақи ҳам – бевосита ё билвосита бўлсин, илм-фан ва таълим равнақиго боғлиқ. Ахир, уни ривожлантиришининг ҳам ўз сирлари, ўз илми бор. Бу соҳа тақдирини ҳам, аввало, етук кадрлар ва соҳада эришилган юксак маданият, бошқача айтганда, комплекс тараққиёт ҳал қилади.

УЧ ҲАЛҚА БИРЛИГИ

XXI асрга келиш шу нарсас: “Икки қарра икки тўрт”, дегандек аниқ-равшан бўлдики, қайси мамлакат иқтисодий жиҳатдан юксак даражага кўтарилмаган бўлса, билинги, унинг халқи илм-фан ва таълимда оқсапти. Жадид боболаримизнинг бундан юз йиллар олдин келган қатъий ҳулосаси ҳам айнан шу эди. Улар илм-фан ва таълимда оқсаганимиз учун мустамлака бўлиб қолганимизни теран англаган эди. Илм-фан ва таълимни ривожлантиришни, ҳатто, истибдоддан қутулиш, мустақилликка эришишнинг ягона наҳот йўли, деб билишди.

Ҳар қандай иш охирига етса гўзал. Илм-фанни ривожлантирсак, таълимни кучайтирсак, лекин қўлига бакалавр ёки магистр дипломини олган ёшларни мутахассислигига муносиб ишларга жойлаштирмасак, асл мақсад асло амалга ошмайди. Бизга ана шу уч соҳа бирлиги зарур. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида бу масалани, асосан, талаб ва таълим муносабатлари ҳал қилади. Бироқ давлат бу соҳани мувофиқлаштириши, оқиллона ечимларни топишга қўмаклашиши, қулай шароитлар яратиб беришга бош-қош бўлиши лозим. Бунга катта эҳтиёж бор.

КАДРЛАР ТАҚДИРИ –
БОШ МАСАЛА

8 август кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги ёндашулар белгиланди. Соҳадаги камчиликлар ҳам очиб ташланди. Масалан, охириги етти йилда қабул 4,5 баробар ошиб, ёшларнинг олий таълим билан қамрови 42 фоизга етган бўлса-да, кадрлар тайёрлаш тизими реал эҳтиёжга мос эмаслиги айтилди. Олий таълимда ўқитилаётган кадрлар билан иш берувчилар талаби ўртасида фарқ катта. Оқибатда корхоналар четдан тайёр мутахассис жалб қилишга мажбур бўляпти. Ҳар бир талабани ўқитиб, мутахассис қилиб тайёрлаш учун давлат йилга 25–30 миллион сўм харажат қияпти. Лекин тўрт йил умрини сарфлаб, диплом олган ёшларнинг ярмидан кўпи оддий-оддий ишларда банд.

Ўзбекистонимиз жадал ривожланиш йўлига кирди. Яқин йилларда мамлакатимизда 83 миллиард долларлик йирик лойиҳалар ишга тушиши режалаштирилган. Уларнинг ҳисобига саноатнинг ўзида 500 мингта яқин мутахассисга эҳтиёж пайдо бўлади. Буларнинг барчаси олий таълимни соҳалар талаби даражасига кўтариш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ёшлар бандлиги қамровини жадал оширишни талаб этади.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда бу борадаги кўп янги ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, энди битирувчинини ишга олганлик учун тадбиркорлик рейтингига қўшимча балл берилади. Олий таълим муассасаси уларни бўш ўрин бор корхонага йўналтиради. Ректорлар ваколати ва масъулиятини ошириш масаласи ҳам қўриб чиқилди. Уларга “супер контракт” микдорини табақалашган ҳолда белгиланган ваколати берилади. Энди барча олий таълим муассасалари ташкилий ва академик мустақил бўлади. Бундан бунён абитуриент ўзи танлаган 5 тагача олий таълим муассасасининг бирортасига қиролмаса-ю, лекин бали бошқа олий таълим муассасасидаги тўлмага йўналишга тўғри келса, уларни шартнома асосида қабул қилиш мумкин бўлади.

Бу йил мамлакатимизда 92 минг ёш бакалаврларини битирди. Улардан 20 минг нафари магистратура ва иккинчи мутахассислик билан қамраб олинади. Яна 20 мингта Бандлик вазирлиги орқали стаж талаб қилимайдиган ишларга жойлаштирилади. Тижорат банклари орқали 20 минг битирувчининг бизнес бошлашига қўмаклашиш режалаштирилган. Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш учун Миллий банк ва Алоқа банкка бу йил 300 миллион доллар ажратилган. Банклар мазкур имтиёзли кредит ресурсининг бир қисмини битирувчиларни ишга олган корхоналарга ҳам бериш ташаббусини билдирди. Энди бундай тадбиркорларга 5 миллиард сўмгача 18 фоизли кредит берилади. Ушбу янги тизим нафақат бу йилги, балки ўқишни тугатганига 3 йил бўлмаган битирувчилар учун ҳам таъбиқ этилади.

БУЛОҚНИНГ БОШИ

Уч йил Ташқи ишлар вазирлигида иккинчи даражали иккинчи котиб дипломатия мартабаси билан масъул вазифада ишлаган собиқ дипломат сифатида бир сирни очсам, ҳеч нарсас бўлмас.

Бир дарё тошиб оқса, дунё унинг бошини – булогини излайди. Бир мамлакатда янги раҳбар ҳокимият тепасига келса, жаҳон дипломатлари, аввало, унинг асл касби, яъни қайси соҳа вакили экани ва бунгача қаерларда ишлаганига қизиқади. Чунки бу мамлакатда келажақда қайси соҳа равнақиго алоҳида эътибор қаратилишини олдиндан прогноз қилишадими-да.

Янги Ўзбекистонда илм-фан, таълим ва тараққиёт борасида олиб борилаётган туб ислохотлар, юз бераётган қувончли ўзгаришлар бошда Президент Шавкат Мирзиёев турибди. Ҳеч муболагасиз, у илм-фан, таълим ва тараққиётнинг жонқуяр, фидойи ташкилотчиси ва тиниб-тинчимас раҳнамоси. Давлатимиз раҳбари мамлакат ва халқнинг ёрқин келажаги айнан илм-фан ва таълим орқали бунёд этилажанини ҳаммадан кўп англайди, тушунади ва тушутиради. Чунки у аслан олий таълим ходими, фаннинг бевосита ишлаб чиқаришга алоқадор муҳандислик соҳасида диссертация ёқлаган олим. У ҳозирги пайтда жаҳоннинг “TOP–500”талиғига кирган “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва мелiorация институтини” Миллий тадқиқот университетида кафедранинг оддий аъзосидан муассаса раҳбаригача бўлган босқичларни босиб ўтган мутахассис.

Янги Ўзбекистонимизнинг илм-фан, таълим ва тараққиёт сари юз бургани ҳаммамизга муборак бўлсин!

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари доктори,
Тошкент амалий фанлар университети
профессори



“Илм дунёнинг иззати, охирагининг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур.”

Абдулла АВЛОНИЙ

”

ТАДҚИҚОТ

ТУРКИСТОН ТАРИХИНИ ЁЗИШ ОРЗУСИ

Тарих миллий ўзликни англаш ва тарғиб этиш учун энг муҳим воситалардан бири саналади. Шу боис XX асрнинг бошларида жадидхон орасида Туркистон тарихини ёзиш масаласи май-донга чиқа бошлади. Бу хонлик-ларнинг хонадон тарихидан бутунлай фарқли ўлароқ, миллий тарих хусусиятига эга бўлиши лозим эди.

Туркистон тарихи ёзма лойиҳа-сининг режасини Исмоил Ғаспрли “Тарихи жадидийи Туркистон” асарида тақдим этган эди. “Таржи-мон” газетасида 1905-1906 йиллар орасида босилган бу асар шундай бошланади: “Юнон тарихларида “Трансоксиана”, араб тарихлари-да “Мовароуннаҳр”, бизнинг тур-кий тарихларида “Чигатой эли”, “Дашти қипчоқ” ва ҳозирги замон-да “Туркистон вилояти” номлари билан танилган катта ҳудуднинг тарихий воқеалари жуда ибрат-лидир” (110-сон).

Жадидлар саркори асари учун нега айнан Туркистонни танлади? Балки бутун Русиядаги туркий-ларни, айниқса, улар орасида энг баланд макъага эга туркистонлик-ларни уйғотиш унинг замонавий стратегияси учун жуда муҳим фак-тор бўлгани учундир.

“Таржимон”даги чиқишлар беса-мар кетмади. Туркистон жадидла-ри орасида миллий тарихни ёзиш хусусида биринчилардан бўлиб Ҳожи Муин сўз очди. 1913 йилда Оренбургда чиққан “Шўро” жур-налига “Туркистоннинг ўғити ва ўтин-чи” номли қисқа, аммо маъноли мақола берди. Бунда Туркистонни инсон ўлароқ сўзлатиб шундай ёзади: “Тарих билувчи одамларга маълумдурки, ман бурунги замон-да илм ва маданият ўчоғи бўле-ним учун, дунёнинг энг маъмур ва масъуд ўлкаси эдим... Оҳ! На бўл-дики, сўнги болаларим, маним ус-тимда бир-бирлари ила сўғишиб, мани шул харобазор ҳолатина келтирдилар. Шул сабабдан ма-нимда у парлоқ маданият, улум, саноат, расадхонам йўқолди, битди. У ноҳалаф авлодим-да бир ҳам-бир ҳам ғойиб бўлиб, мани-да йитдилар.

Сизлардан ўтинчим шулки, бу-

рунги маданият ва умроним ҳам-да бурунги боболарингиз турклар ҳақида аҳамият бериб бир му-каммал “Турк Туркистон тарихи” китоби тасниф қилиб келажак ав-лод ва аҳфодимга суюрғол этин-гиз” (1913 йил, 1-сон).

Бу тарих ҳеч бир кимса томони-дан ёзилмаган, лекин туркистон-ликларнинг уйғониши учун зарур восита эди. Порлоқ ўтмиш билан қолоқ бугунни қиёслаш вараңдош-ларини илм-фан, маданийлашмоқ-қа қақиритиш йўлидаги жадидлар афзал билган стратегик усул эди. Бу тарихни ким ёзади – шудир ма-сала!?

Минтақага саёҳат қилиб, кўп ма-қолалар ёзган ёш муҳбир Нуши-равон Явушев (1886–1917) 1914 йилда “Садои Туркистон” газетаси-да тарих дарслигининг заруратини таъкидлаб шундай хулоса қилади: “Ҳар миллат ва ҳар қавм, мактаб-ларида ўзларининг миллий та-рихларини ўқитмоқдадир... Лекин афсуски бизим Туркистонда бу-гунгача тарихга аҳамият берил-мади. Мактабларимиз учун тарих китоби (Туркистон тарихи) ёзил-мади. Унинг учун бўлса керак мак-табларимизда ўқиган ва ўқиб чиқ-қан болаларимизда миллий руҳ ва миллий ҳиссиёт бўлмайдди. Зотан, тарих аҳамиятли бир илмдир. Тарих миллатнинг жони – руҳий, моддий ва маънавий ҳаётидир. Мана Туркистон тарихи, буним ким ёзар?” (1914 йил, 17-сон).

Ушбу огоҳлантирувчи мақолани ўқиган Ҳожи Муин дарҳол газете-га жавоб ёзади: “Миллий тари-химизни ким ёзар, деган саволни ўқидим. Албатта, биз Туркистон турклари учун бир муфассал ва мактабларимиз учун бир мухта-сар турк ва Туркистон тарихи лозимдир. Аммо ушбу хусусда та-рих ёзмоқ нихоятда қийин ва оғир бўлиб, бунинг ёзувчи киши, турк, форс, араб ва рус тилларида турк ва Туркистон ҳақида ёзилган эски ва янги китобларни тадқиқ қилиб тарих ёзса керакдир. Ҳозирга-ча янги тадқиқот билан шуҳрат топаган тарихчи Туркистонда бўл-майдди. Бўлмаган тақдирда биз бу хизматни ёш муаррихимиз қозон-лик мухтарам Аҳмад Заки афанди Валидий жанобларининг қалами-

дан умид этамиз”(1914 йил, 23-сон).

Бундан ўн бир кун сўнгра “Ойи-на” журналида “Туркистон тарихи керак” номли имзосиз бир мақола чиқади. Мақола Ҳожи Муин фикр-лари билан уйғун бўлиб, унда шун-дай иқдор учрайди: “Тўғриси, та-рих ёзувчи киши турк ўғилларидан ҳануз майдонга чиқгани йўқ. Рус ва бошқа оврўпали тарихчилар, Тур-кистон ва турклар ҳақида туркий, форсий ва арабий китобларидан истифода қилиб асарлар ёзмоқ-дадур. Бизлар улардан хабарсиз қолмоқдамиз”. Муаллиф “ниҳоятда қийин иш”да ёш муҳаррир Аҳмад Заки Валидий афандининг қалами-дан умид этаётганини ёзади (1914 йил, 38-сон).

Бу имзосиз мақола ҳозиргача Беҳбудийга оид, деб ҳисобланмоқ-да. Лекин бу мақоланинг мазму-



муни Ҳожи Муиннинг “Садои Тур-кистон”га берган мақоласи билан тамоман айнаи бўлганлигига кўра муаллиф Ҳожи Муин бўлса керак, деган қарашимиз бор. Чунки “Тар-жимон” газетасининг 1914 йил 15 июнда босилган Одесса хабарлари ичида: “Ойина” журнали муҳарри-ри Муфти Хўжа Маҳмуд Беҳбудий жаноблари бугунларда Одессадан ўтиб Истанбулга йўлланди”, де-ган хабар берилади. Демак, Яву-шевнинг мақоласи чиққан вақтда сафарда бўлган Беҳбудийда у ма-қолани ўқиб, жавоб ёзиш имкони бормиди? Уша вақтда бетоб бўлган аллома Истанбулда даволаниш учун йўлга чиқади. Аммо қандай бўлса ҳам Туркистон тарихи хусу-сида унинг Ҳожи Муин билан бир хил фикрда бўлгани очикдир.

Икки ой кейин “Садои Турки-стон” газетасининг таникли татар муҳаррирларидан Абдурауф Му-заффарзода миллий тарих хусу-

сида шундай ёзади: “Энди бизга ҳам ўзимизнинг боболаримизни халқимизга танитмоқ ва мактаб-ларимизда миллий тарих дарсла-ри ўқитмоқ замони келди. Шояд бу масалага аҳамият берувчилар йўқ эмасдир. Лекин миллий тарих де-моқ ила на сабабдандир хотирга бир нави маъюсият кела бошлай-дир. Бу ҳолга йўл очадурган нарсас, бу тўғрида уламомизнинг ҳануз сукут қилиб туришлари ва ўзла-рида бўлган умидли назарларини кўрсата олмаганларидир” (1914 йил, 39-сон).

Бу мавзу 1915 йил аввалида яна Ҳожи Муин томонидан “Миллий тарих ҳақида” сарлавҳали жуда қизик мақолада кўтарилди. “Ойи-на”да босилган материалда олим ва адиб аввалги масалаларга бир қарра қайтиб, келгусидаги ишлар-ни режалаштиришда муҳим савол-



Ҳисао КОМАТСУ, профессор, жадидшунос олим (Япония)

7. Арабларнинг истилосидан бери ҳозиргача Туркистон мусул-монлари неча подшоҳга табаалик этмишлар?

8. Амир Темурнинг ул қадар ғалаба ва жаҳонгирлигига нима сабаб бўлди? Ва охирда ҳукума-тининг мунқариз бўлиб кетганига сабаб надир?

9. Амир Темур даврида улум ва маориф ва адабиёт на кайфиятда эди?

10. Турк тарихида лозиминча ис-тифода этмоқ учун қайси асарлар-ни мутолаа этмоқ керак?

Бу саволларга қараганда Ҳожи Муин Туркистон тарихини энг эски замондан бошлаб ёзишни тақлиф қилмоқдадир. Исломиятдан аввал-ги тарихга қизиқиш эса Исҳоқхон Тўра Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асарида ҳам пайдо бўлган эди.

Айни 1915 йилда “Туркистон ви-лоятининг газети”да бош муҳаррир муовини сифатида ишлаган Мулло Олим Маҳдум Ҳожининг “Тарихи Туркистон” (Тошкент, 1915) номли асари нашр қилинди. Бу асар хон-ликлар замонидан қолган воқеа-нома услуби билан тайёрланган, энг кўп Қўқон хонлиги, ундан кейин Бухоро ва Хива хонлиқларининг сиёсий тарихидан баҳс қилади. Тошкентнинг Русия давлатига тас-лимининг эллик йиллигига бағиш-ланган бу асарда туркистонлик-ларнинг миллий ҳиссиётини топиш жуда қийин. Ҳожи Муинлар орзу қилган Туркистон тарихидан узоқ бу асар ҳақида профессор Э.Алп-ворт шундай ёзади: “Жадидлар уларнинг замондоши бўлган бу тарихчи ва унинг асарига ҳеч аҳа-мият бермади”.

Бундан кейин ҳам Туркистон та-рихи ёзма лойиҳаси давом этади. Афсуски, бунга совет репрессияси катта тўсиқ бўлди. Бу жараёндан чиққан ягона асар Аҳмад Заки Ва-лидий Тўғонга оид “Бугунги Турки-стон ва яқин мазоир” (Миср, 1929–1939) бўлса керак.

Баҳодир КАРИМ тайёрлади.



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Исак Байбеков – 1890 йили Симбирский губернияси Горьевка шаҳрида туғилган. Миллати татар, маълумоти ўрта. Меҳнат фаолияти-ни 1909 йилда Фарғона областида-ги ширкатларда пахта қабул қилув-чи, минтерни ёғловчиликдан бош-лаган. Пахта навларини ўрганган. 1914–1917 йилларда Чор армия-сида хизмат қилган. 1918 йилдан Большой Соймон ижроия волости ижроия комитети ер бўлими мудир-и бўлиб ишлаган.

1924 йили Бухорога келиб, бир мuddат маориф соҳасида тер тўка-ди. 1926–1937 йилларда Жарқур-ғон, Сарисий, Жиззах, Жалолку-дук районларида ижроия комитети масъул котиби, раис ўринбосари, кооперация союзи мудир-и, савдо бўлим мудир-и лавозимларида иш-лаган. Ўзбек, тожик, озарбайжон, рус тилини яхши билган.

СССР Олий суди ҳарбий колле-гияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4–15 октябрдаги йиғилишларида қатагон қилишнинг иккинчи тоифа-си бўйича 70 маҳбус устидан ҳукм чиқарилган. Улардан бири Исак Шахмиевич бўлиб, “Миллий истиқ-лол” ташкилотидagi фаолияти учун 15 йилга қамалган. 1990 йили 13 мартда реабилитация қилинган.

Ҳошим Саттаров – 1904 йили Наманган шаҳрида, камбағал деҳ-қон оиласида туғилган. 1919 йил-да “Намуна” халқ мактабини, 1922 йили ишчилар факультетини битир-ган. Олий таълими Москвада олиб, ички касалликлар бўйича шифокор мақомига эга бўлади. “Қўмак” жа-миятининг фаол аъзоси эди.

Фаолияти давомида ёшлар таш-килоти ходими (1920–1928), ЎзССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарли-ги кадрлар мудир-и (1931–1932), Соғ-лиқни сақлаш халқ комиссарлиги ўрин-босари (1932–1934) вазифаларида меҳнат қилган.

1935 йил 20 декабрда Тошкентда Тиббиёт институтини ташкил этиш-даги фаол иштироки учун қимматба-ҳо совғалар билан тақдирланган.

Орадан бир йил ўтмай, аниқроғи, 1938 йил 4 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сес-сиясининг йиғилишида отувга ҳукм этилган. КПСС XX съезидан кейин реабилитация қилинган.

Тошканбой Азизов – Наманган вилояти Олмос қишлоғида 1904 йил туғилган. Самарқанд шаҳри-даги 19-сонли Тоғ отлик дивизияси 19-отлик артиллерия дивизиониди инженер-техник вазифасида ишла-ган, лейтенант, катта лейтенант ун-вонларига эга бўлган.

1937 йил 5 ноябрда қўзғалон-чи, аксиклиқлибий ташкилотнинг фаол аъзоси бўлганлида айбланиб, ҳибсга олинган. Унга ЎзССР Жиноят Кодексининг 57-2, 67-моддалари бўйича жиноят иши очилган. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 10 октябрдаги сайёр йиғи-лишида 33 маҳбус отувга ҳукм этил-ган. Отилганлар рўйхатининг сакки-зинчиси Азизов Тошканбой бўлган.

Ҳаким Каримов – 1904 йили Тошкент шаҳрида туғилган ва шу жойда яшаган. Назоратчи ва сав-догарнинг ўғли, тугалланмаган ўрта маълумотли.

“Халқ душманлари” билан ало-қада бўлгани учун ижтимоий-сиё-сий ҳуқуқлари чекланади. “Миллий истиқлол” ташкилот аъзоси сифати-да 1937 йил 21 ноябрда ҳибсга оли-нади ва 1938 йил 8 октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси қарори билан отувга ҳукм этилади.

Ҳ.Каримов 1957 йил 30 январда оқланган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Азизбек МАҲКАМОВ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА, музей илмий ходимаси (Давоми келгуси сонда).



“Миллат уйғонсин, кўзини очсин, ўқисин, билим олсин, маданий миллатлар қаторига кирсин, сўнгра у ҳам ўз давлати, ўз бахти, ўз саодатини қуради.

Абдулҳамид ЧЎЛПОН

ТОПИЛМА

Ибрат баёзи

Илмий жамоатчилик орасида бобомиз Исҳоқхон тўра Ибрат асарлари ва улар-нинг адади борасида турлича қарашлар бор. Хусусан, аллома меросини чуқур ўрганган Ҳайдарбек Бобобеков “Ибрат шеърий девонидан ташқари, 14 та тилшу-нослик ва илмий тарихий асар яратган”, дейди. Бошқа олимлар Исҳоқхон тўра Ибратнинг жами 20 та асари топилганини айтишади. Бизнингча, улар сони бундан ҳам кўп.

Масалан, улуғ маърифатпарварнинг но-маълум асари – “Саловату Мужоб” ҳақида бизда аниқ маълумот бору ҳали-ҳануз топил-гани йўқ. Бундан ташқари, бобомизнинг “Си-тати Алти атсина” номли 6 тилиш лугатидан бугунги ёшлар ҳам унумли фойдаланишади. Исҳоқхон тўра Ибрат қаламига мансуб яна бир асар – “Мезон ул замон” Японияда нашр этилган. “Жоме ул хутут” асарида эса бобо-миз дунёдаги 40 дан ортқ тил ҳақида теран мулоҳазалар билдирган. Бошқа мақола ва шеърий тўпламлари ҳам мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, алломанинг ил-мий мероси батафсил ўрганилмаган. Чунки

Чор Россияси ва Советлар даврида ёзилган асарлари бобомизнинг ўз уйида, шахсий ку-тубхонасида сақланган. 1937 йили қамоққа олинган вақтда улуғ маърифатпарварнинг уйи тинтув қилиниб, барча илмий асарлари Тўрақўрғон мева-сабзавот куриртиш заводи ҳудудига кўйиб ташланган. Қолганлари ёқиб юборилган. Шунга қарамай, дадам Сайиид Мулло Меҳмонхожа Эшон (1909–1996) ва аям Исторахон пошма (1920–2006) Ибрат бобомизнинг бир баёзини асраб қолишган экан. Бу баёз то бугунга қадар уйимизда сақ-лаб келинган. Қуйида шу ҳақдаги маълумот-ларни сиз билан баҳам кўрмоқчиман.


Исҳоқхон тўра Ибрат қаламига мансуб бу баёз 16 бетдан иборат. Биринчи бетиди Исҳоқхон тўра Ибрат босмахонасининг рамзи – қуёш тасвири туширилган, ҳошиясига араб алифбоси билан “Илм” ва “Ибрат” сўзлари, унинг таг қисмига эса, “Литография”, “Исҳо-қия” деб ёзилган. Баёзнинг биринчи бетидида сўзлар таржимаси қуйидагича: “Тўрақўрғон қозиси Ибрат асарининг биринчи жузиаси, Наманган Тўрақўрғонда матбаи Исоқияда. Сахвон арзига Мунташир Ул – мадуя боси турган авлиёси хар офаридани”.

Форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилинганда, сўнгги жумладан “Асрлар кеч-иши матлабу марҳумдир” деган мазмун келиб чиқади.

Суратда келтирилган баёзнинг 16-бет охи-рида эса: “Охунзода Абдурауф Машаҳиди ёзган, ҳижрий 1327 йил муҳаррам ойи”, деб ёзилган. Демак, Ибрат девонининг би-ринчи жузиаси деб тахмин қилинаётган бу баёз миллидий 1909 йилда ёзилган ва Ибрат босмахонаси ношири Охунзода Абдурауф Машаҳидий томонидан чоп этилган.

Бизнингча, бу – Ҳайдарбек Бобобеков айт-ган Ибрат девонининг биринчи жузиаси. Агар тахминимиз тўғри бўлса, ушбу девон ҳақида аниқроқ маълумотга эга олимларимиз ҳам бўлса керак. Баёз топилиши билан масалага аниқлик киритиш мақсадида Тўрақўрғон ту-манидаги Ибрат музейига бордим. Музей ди-ректори билан гаплашдим. Афсуски, музей-да бу ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ экан.

Топилган янги баёз асосан назмда, араб, форс, тожик ва бошқа тилларда битилган. Нашр этилганига 116 йил бўлибди. Келгуси-да уни араб ва форс-тожик тилларидан ўзбек тилига ўгириб, тақдим этамиз. Ишонаманки,



бу асар Янги Ўзбекистон ёшларини тарбия-лашда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қи-лади. Сўзимни улуғ бобомиз Исҳоқхон тўра Ибратнинг қуйидаги шеъри билан мухтасар қиламан:

Ўқингиз илми ҳикмат, сизга бу иш катта ибратдир, Агар илм ўрганурсиз барча ишда сизга нусратдир. Агар илми ўлмас, нодон умри барча кулфатдур, Бу аёши жадиди мубаддали асли ҳикматдур.

Сайиид ИСАХОТЎРА СОНИЙ (Исҳоқхон тўра Ибратнинг набираси),

Бобур номли халқаро жамоат фонди илмий ходими



МУАММО

ИНТЕРНЕТ ХУМОРИ

ёхуд асалнинг ҳам ози ширин



Бугун бутун жамият, айниқса, ёш авлод қўлида, унгу сўлида телефон: реал ҳаёт қолиб, виртуал оламга шўнғиб кетган. Кўча-кўйга разм солсангиз, деярли бир хил манзара: юриб бораётгани ҳам, ўриндиққа чўккани ҳам, бозор растасида харид қилаётгани, машинада кетаётгани, савдода навбатда тургани, шифохонада ётгани-ю, ошхонада лўкмага қўл чўзаётгани... қай вазиятда бўлмасин, қўлда телефон. Шундай, кўплар интернетдан кўзини узолмай қолди. Эр хотинини, хотин эрини, ота-она болаларини, фарзанд эса ота-онани, бобо-бувилар невараларини “йўқотиб қўйди”.

Маълумотларга кўра, 2025 йил январь ҳолатида республикаимиз аҳолисининг қарийб 90 фоизи интернетдан фойдаланади. Бу борада Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида пешқадам. Дунё аҳолисининг интернетдан фойдаланиш даражаси эса 68 фоизни ташкил қилмоқда.

Ривожланган давлатларда бу “хуруж” ўтган асрда авж палласига чиқиб, бугун интернет, ижтимоий тармоқ, умуман, телефонга муқкасидан кетиш деярли камайган. Тадқиқот-сўров натижаларига кўра, уларда 62,8 фоиз одам интернетга фақат зарур маълумотни олиш учун киришини таъкидлаган.

Шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган воқеа эсга келди. Бундан икки йил олдин хизмат юзасидан Мўйноққа бордик. Қайтар чоғи Нукус аэропортида парвоз вақти бироз кечиктирилди. Чет эллик сайёҳлар гуруҳи келиши керак экан. Ярим соатга етди ё етмади, саксон чоғли сайёҳ аэропортида кўринди. Кутиш залида ҳамма учоқ бортига таклиф қилинишини кутипти. Шу пайт биқинимдаги ўриндиқда ўтирган бир сайёҳнинг қўл телефони жиринглаб қолди. У дарҳол сумкасини очиб, тугмани босар-босмай гапни калта қилди-да, телефонни сумкасига зумда қайта жойлаб қўйди. Ўшанда “Телефонини сумкасида олиб юрар экан, қандай яхши”, деган ўй ўтганди мендан. Сўнг бошқа сайёҳларни ҳам синчиклаб кузатдим – бирортасининг қўлида телефон йўқ. Бирови журнал тутган, бирови китоб ўқиб ўтирибди ёки узаро самимий суҳбатда. Ана шундан сўнг ўзимизникиларга зимдан кўз югуртирдим. Ишонинг, ҳамма бошини қўйи солиб телефонга кириб кетган.

Кўз ўнгимда виртуал ҳаёт, реалликдан узоқ сон-саноқсиз онгил-елли воқеа-ҳодисалардан иборат поёнсиз контентлар ёшлар тафаккурини ҳақиқий ҳаётдан узиб, ўз етовида рўё дунёсига олиб кетгандек. Ўшандай сароб таъсирида юрган айрим ёш авлод ҳавойи туйғулар, асосланмаган тасаввур, хулосалар билан яшамоқда. Бугун ана улар билан суҳбатлашиб, ҳаётини, келажакни соғлом муҳокама қилиш мумкин бўлмай қолди: Сиз ердан гапирсангиз, у осмондан келади.

Бундан юз йил илгари жадид боболаримиз жамият аҳволотидан қайгуриб, жумладан, фарзандларни ўқимишли қилиш, мактаблар очиш, тўйлар, тантаналарни қисқартириш, уларга сарфланадиган маблағларни фарзандлар камоли учун йўналтириш ҳақида салмоқли чиқишлар қилиб, асарлар ёзиб, бу борада юксак амалий ишларни бажаришган.

Бугун халқимизнинг интернетга қарамлиги шу даражада чуқурлашиб кетдики, уни бу вазиятдан давлат сиёсати даражасида қўқариб олиш зарурати туғилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳол ҳар биримиздан жадидга айланмоғимизни тақозо этади. Чунки сизу бизни реал ҳаётдан чалғитувчи виртуал дунё шахсни руҳан, ҳам

ақлан ўтмаслаштириши камдек, бир-бирига қарама-қарши ахборот ва хулосалар берувчи контентнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани хотиранинг сусайишига олиб келмоқда.

Ҳар неда меъёр бор ва меъёр бўлгани яхши. “Асалнинг ҳам ози ширин” деганларидек, меъёрдан ортиқ “истеъмош”, албатта, тана ва руҳ саломатлигига раҳна солади. Ҳаддан ортиқ берилиб кетиш “мания” ҳолатини вужудга келтиради. Мисол учун, наркомания – гиёҳванд моддаларни истеъмош қилишга ружу қўйиш. Гарчи қиёс ноўриндир, бироқ нуқтаи назаримиз дунёнинг интернетбозлик билан боғлиқ бугунги ҳолатини “Интернетомания” деб аташимизга имкон яратди. Интернет хумори том маънода наркоманияга ўхшаш. У ҳам инсонни гиёҳванд модда сингари жисмоний, руҳий, интеллектуал ожизлик исканжасига ташлайди.

Иккала “мания”нинг ҳам таъсири бир хил. Гиёҳванд модда инсонга ёлгон “бахт” кайфини ва кайфиятини беради. Бора-бора инсон унга ипсиз боғланиб, қарамлик кучаяди. Миядаги нейронлар дофамин моддасини жуда кам ишлаб чиқаришга ўтади, инсон ўзини бахтсиз, кучсиз, ожиз ҳис қила бошлайди.

Бугун ён-атрофимизда урчиб улгурган минг-

лаб “интернетоман”ларнинг ҳолати шундай. Чунки интернетоманиянинг инсонни ўзига қарам қилиш механизми, миллионларни таъсирига тортиш омили дофамин билан боғлиқ. Яъни, инсон интернетда қанчалик кўп визуал олам билан бирга бўлса, диққатга, мияга таъсир этувчи ҳар хил нарсаларни қанча кўп кўрса, нейронлар туташган жойлардан ажралиб чиқадиган ва “бахт” руҳиятини берувчи дофамин миқдори шунчалик кўп бўлади. Шунинг учун инсон зарра бўш қолдими, ана ўша бахтни ахтарган кўйи қўли телефонга югуриб, ижтимоий тармоқларни титқилай бошлайди. Интернетга кирмаса, шу кунни нимадир йўқотган, нимадир камдек шайтонлаб қоладиганлари ҳам бор, кўряпмиз. Бу ҳолатда мияда, танада дофамин миқдори камайган бўлади. Дофамин камайдими, демак, инсон ўзини кемтик, “бахтсиз” ҳис қила бошлайди. Таассуф, айримлар дофамин жарлиги ёқасида умр ўтказмоқда.

Инсоннинг энг катта бойлиги – вақт ва онг. Бугунги кунда интернет ҳар биримиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди: билим олиш, тажриба орттириш, дунё билан боғланиш, ўзини ривожлантириш каби йўллар айнан у орқали осонлашди. Бироқ, афсуски, ушбу имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланиш ўрнига, кўп ёшлар виртуал оламга ҳаддан ташқари берилиб кетиб, ўз ҳаётининг энг қимматли неъматларини йўқотиш хавфига дуч келмоқда.

Ёшлар, умуман, ҳаммамиз англаб етишимиз кераки, интернетнинг ўзи айбдор эмас. Мухим омил биз ундан қандай фойдаланишимизда! Агар биз уни билим излаш, тил ўрганиш, замон талабига мос кўникмаларни эгаллаш, илмий изланишлар олиб бориш ва шахсий ўсиш йўлида кўмакдош билсак, интернет биз учун келажакка қанот бўлади. Бироқ унга ортиқча берилиб кетиш ортдан мақсадлардан чалғиш инсонни руҳий ва жисмоний заифлаштиради. Шу боис ҳар ким ўз вақтини тўғри тақсимлай билиши, ҳар куннинг маълум қисмини билим олиш, янги кўникмалар орттириш ва шахсий ривожланишга йўналтириши зарур. Интернет восита, мақсад эмас. Уни тўғри йўналтирганлар муваффақиятга эришади, бу майдонда шунчаки “шатолақ отиб юрганлар” вақтини ҳавога совургани қолади, холос.

Мизроб БЎРОНОВ,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

ТИЛБИЛИМ



Туя йилдан қолса ҳам, элдан қолмаган

Халқимизда “йилдан қолган туя” дея нақл бор. Бу нақл иши унмайди, зарур ишларга кечикиб қоладиган, эътибордан четда турадиган одамларга нисбатан қўлланади. Бу нақлнинг пайдо бўлиши қадимда йил номлари ҳайвонларга тақсим қилинаётганда, туя тадбирга кечикиб борганлиги билан боғланади. Гап шундаки, жимитдай бўлган сичқоннинг номидан мучал йили бор, лекин тоғдай туя бу насибадан куруқ қолган. Шундай бўлса-да, тилимизда туя билан боғлиқ атамалар кўп. Бу жонивор йилдан қолган бўлса-да, элдан қолмаган, доимий эътиборда бўлган, шунинг учун унинг оти кўп.

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” китобида бўра сўзи туяни, карк сўзи эса ёввойи туяни билдирган, бир ўрқачли туя – нор, йирик гавдали басавлат эркак

туя – лўкча сўзида ифодаланган. “Ат-туҳфа” лўғатида қари туя – шўршак (шўршак), урғочи туя – моя сўзида маъноланган.

Қадимги тилимизда туя сўзи тева шаклида бўлган. Кейин туяга ўзгарган. Теванинг кўнгли кичик-дур гар эрур пайкари чўне (Навой).

Тилимизда туя билан боғлиқ булардан бошқа атамалар ҳам кўп. Ўзбек тилида “Камбағални туянинг устида ҳам ит қопар”, “Туя ҳаммомни орзу қилибди”, “Туя кўрдингми, йўқ”, “Нонини туя қилган”, “Туя гўшти еган” каби қўп-лаб мақол ва иборалар яратилган. Туяқорин, туяқуш, туядарахт каби усимлик ва ҳайвонларга оид рамзий номлар ўйлаб топилган. Араб тилида ҳам туя зоти билан боғлиқ минглаб истилоҳлар бор. Мен билганларимни айтиб ўтдим, холос.

Эшқобил ШУКУР

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ТАЖРИБА КУЁНИ КИМ?

Инстаграмда бир видеога кўзим тушди. Кўринишидан туппа-тузуқ аёл уйкудаги ёш боланинг тепасида сув тўлдирилган пуфакни игна билан ёрди. Уч-тўрт ёшлардаги гўдак қаттиқ қўрқиб кетди ва чинқириб юборди. Бола йиғлагани сари видеога олаётган ҳам, уйғотган аёллар ҳам беўхшов қаҳқаҳа уради. Шу нарсга 16 мингта “лайк” олиб, 18 мингдан ортиқ изоҳга сабаб бўлибди.

Хўш, норасиданинг соғлиғи, психологияси энди нима бўлади? Кучли кўрқув йиллар ўтиб таъсир кўрсатмаслигига ким кафолат беради? Худо кўрсатмасин, но-пирон бўлиб қолса, тўпланган лайклар дори бўладими? Эътироз билдирганларга жавоби ҳам бор экан “бағлогир”ларнинг: бу тажрибавий контент. Нима, ёш бола тажриба куёним сенга?

Бугун “лайк”сираб қолган одамлар

тобора бачкана, мантиқсиз ва хавфли хатти-ҳаракатларга йўл қўймоқда. Натижада биз онгимизни сирти ялтироқ, ичи қалтироқ ахборот билан тўлдиряпмиз. Аниқроғи, миямизни чиқиндиҳонага айлантиряпмиз.

Гап фақат контент яратувчиларда эмас. Уларнинг тегиримонига сув қуювчилар сиз билан биз – “лайк” босиб, изоҳ ёзиб, қўриб, бошқаларга улашаётган аудитория. Бу занжир ўзаро боғланган ва ҳар бир бўғин ўзига хос жавобгарликка эга. Занжирни узиш осон эмас, аммо имконсиз ҳам эмас.

Ижтимоий тармоқлардаги барча контентни салбий деб баҳолаш адолатдан эмас. Танганинг нариги тарафи ҳам бор. Бугун ижтимоий тармоқ саҳифаларида ахлоқий, тарбиявий йўналишдаги материаллар сони ҳам борган сари ортиб бормоқда. Айниқса, табиатни асраш, сув ва ҳавога нисбатан масъулият билан ён-

дашиш ғоялари ёшлар орасида тез оммалашяпти. Одамларга салбий контентлар қай даражада таъсир ўтказаятган бўлса, долзарб мавзулардагилари ҳам ҳаётда худди шундай роль ўйнамоқда.

Шу нуқтада миллий контентнинг аҳамияти янада аёнлашади. Токи бугунги интернет оламини ўзимизнинг контент билан бойитмас эканмиз, ёт ғоялар билан рақобатга киришмас эканмиз, янги авлодни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Бунинг учун ҳар ким испоҳни ўзидан, оила аъзолари ва яқинларидан бошлаши керак. Ота-оналар ҳам медиасаводхонлигини ошириши керак. Бунинг учун университетда ўқиш шарт эмас. Ўша интернетда бу ҳақида маълумотлар етарли. Наҳотки, медиаоламдан ҳар нарсани топишга етган ақлимиз шунга келганда оқсайди?

В.ҲАБИБУЛЛАЕВА
Фейсбук

САРҲИСОБ

“Жадид бобомга мактуб”

танловига ижодий ишларни қабул қилиш якунланди

“Jadid” газетаси ҳамда Мактабча ва мактаб таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган “Жадид бобомга мактуб” ижодий иншо танлови юртимиздаги мактаб ўқувчилари ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Танлов учун ташкил этилган махсус

ботга 100 мингга яқин сўров келиб тушди. Шундан 37 минг 500 дан зиёд иншо электрон тартибда юборилди.

Айни пайтда барча ишлар таниқли ижодкорлар ва малакали педагоглардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан атрофлича ўрганилмоқда.

Танлов ғолиблари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилиниб, тантанали равишда тақдирланади.

Қўйидаги жадвалда якуний кўрсаткичлар билан танишишингиз мумкин:

Вилоят номи	Иншо топширганлар сони	Андижон	1 159
Фарғона	17 671	Бухоро	1 131
Навоий	2 966	Қашқадарё	969
Сирдарё	2 887	Хоразм	820
Самарқанд	2 851	Тошкент вилояти	712
Наманган	2 041	Жиззах	509
Тошкент шаҳри	1 654	Қорақалпоғистон Республикаси	469
Сурхондарё	1 397	Умумий сони:	37 971

Jadid
adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy fahrlilik gazeti

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Акмал Жумамуродов

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 100

Шундан:

Кирилл ёзувида – 7 447

Лотин ёзувида – 11 653

Медиа кузатувчилар – 88 321

Буюртма: Г – 839

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 21:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz